**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҚЎМИТАСИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ**

Қўлёзма хуқуқида
***УДК-004.41***

**НАЗИРОВ РАВШАНБЕК ШАВКАТЖОНОВИЧ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ПОРТАЛИДА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАДҚИҚОТИ

**5А 330201 – «Компьютер тизимлари ва уларнинг дастурий таъминоти» мутахассислиги магистратура**

**МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА МАГИСТР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар:** **т.ф.н. Ф.Ю.Полвонов**

**Фарғона – 2014**

# М У Н Д А Р И Ж А

**Кириш……………………………………………………………………...................** 3

**1-БОБ. ВЕБ - ДАСТУРЛАШ ВА ВЕБ - ДАСТУРЛАШ СОҲАСИДА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ………………………………………………………......** 15

1.1-§ Веб - дастурлаш асослари ва интерактив хизматлар бўйича бошланғич маълумотлар................. ……………………………………………….... 15

1.2-§ Веб - дастурлашда CMS тизимларидан фойдаланиш услубиёти……….. 22

1.3-§ CMS/CMF Drupal тизимининг веб - дастурлаш соҳасида тутган ўрни…. 31

1.4-§ Интерактив хизмат турлари, уларни яратиш технологиялари ва улардан фойдаланиш.......................................................................................... 44

**2-БОБ. БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСЛУБИЁТИ.......................................................................** 54

2.1-§ Давлат ташкилотларида интерактив хизматларнинг ўрни ва аҳамияти……………………………………………………………….. 54

2.2-§ Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона вилоят бошқармаси ва унинг веб - портали ҳақида. Веб - порталнинг мақсад ва вазифалари……………………………………………………………….. 58

2.3-§ Форум тушунчаси ва уларда интерактив тартибдаги мулоқотлар олиб бориш……………………………………………………………………... 74

**3-БОБ. «PFFORUM» БЎЙИЧА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УСЛУБИЁТИ……………………………………………………………………** 81

3.1-§ «PFForum» ижтимоий интерактив хизмати хақида………………………. 81

3.2-§ Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ишга қабул қилинган янги ходимлар учун «PFForum» дан фойдаланиш йўриқномаси ва хизматидан тўғри ва самарали фойдаланишлари учун кўникмалар ҳосил қилиш услибиёти……………………………………………………………. 93

**Хулоса.........................................................................................................** 95

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.......................................................** 97

**Иловалар.......................................................................................................** 98

# КИРИШ

Ҳозирги кунда Республикамизда олиб борилаётган ислоҳатларнинг туб замирида ёш авлодни тарбиялаш, айниқса уларни энг замонавий техника ва технологиялардан фойдалана олишларини таъминлаш, энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Бу соҳага эса шаҳсан Президентимизнинг ўзлари алоҳида диққат эътибор қаратмоқдалар. Бунга яққол мисол қилиб «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни келтириш мумкин.

Замонавий ахборот технологиялари кундан-кунга ривожланиб бораётган бир пайтда бизнинг Республикамизда ҳам бу соҳага алоҳида катта эътибор қаратилмоқда. Юқорида келтириб ўтган фикримизнинг далили сифатида, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил феврал ойидаги «Миллий тармоқни яратиш ва дунё ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартиблаш тўғрисида»ги, кейинроқ «Ўзбекистон Республикасида 1999-2003 йиллар ичида маълумотларни узатиш миллий тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш дастури», 2002 йил июнидаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот - коммуникация технологияларини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинишини мисол қилиб олсак бўлади.

Шу муносабат билан Республикамизнинг қатор корхона-ташкилотларининг техника базаси, жумладан, компьютер техникасининг янги авлоди билан жихозланиши, шунингдек, уларнинг глобал интернет тармоқларига уланиши, электрон тарздаги алоқалар ташкил этилиши каби чора тадбирлар янада кучайди. Буларнинг барчаси ташкилотларда иш самарадорлигини ошириш мақсадида Республика корхона-ташкилотларига янги ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ташкилотлардаги иш жараёнини янги интерфаол усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда, жумладан, масофадан туриб маълумот алмашиш, компьютерлаштирилган

анжуманлар ўтказиш ва уларни тўғридан-тўғри иш жараёнида қўллашга қаратилган тадбирлардир.

Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширилаётган, шунингдек, давлат таълим стандартлари тасдиқланиб хаётга қўлланилаётган бир пайтда, замонавий ҳисоблаш техникаси воситаларидан самарали фойдаланишни уддалай оладиган, замонавий компьютерлардан амалий иш фаолиятида кенг фойдалана оладиган етук кадрлар тайёрлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада эса ҳозирги кунда дунёда, жумладан бизнинг Республикамизда ҳам олиб борилаётган илмий-амалий ишлар таҳсинга лойиқдир. Яъни биз талабалар томонидан тайёрланиб ҳаётга тадбиқ этилаётган веб саҳифалар, тармоқ веб дастурлари, электрон дарсликлар ва виртуал лаборатория стентлари бир қатор корхона-ташкилотлардаги ходимлар учун дастур сифатида қўл келмоқда.

Инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси эзгу ғояларидан ва соғлом мафкурадан маҳрум бирор-бир жамиятнинг узоққа бора олмаслигини кўрсатди. Шу боис, мустақиллик туфайли мамалакатимиз ўз олдига озод ва обод ватан, фаровон ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамалакатлар қаторидан ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадларни қўйди.

Бу эса келажагимизни яққол тасаввур этиш, жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш эҳтиёжини туғдиради. Демак галдаги энг асосий вазифа: ёш авлодни ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби олийжаноб туйғулар руҳида тарбиялаш, юксак фазилатга эга, эзгу ғоялар билан қуролланган комил инсонларни вояга етказиш, жаҳон андозаларига мос, кучли билимли, рақобатбардош кадрларни тайёрлашдир.

«Жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган энг замонавий илмларни эгалламай туриб, мамлакат тараққиётини таъминлаш қийин», - деган эдилар президентимиз И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида юқори натижаларга эришиши, жаҳон иқтисодий тизимида

тўлақонли шериклик ўрнини эгаллай олиши, инсон фаолиятининг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланишнинг кўламлари қандай бўлишига ҳамда бу технологиялар ижтимоий меҳнат самарадорлигини оширишда қандай рол ўйнашига боғлиқ. Чунки, янги телекоммуникацион технологиялар тез ва кам минимал йўқотишли молиявий операцияларни амалга оширишга рухсат этади. Хоҳлаган ташкилот эгаси танлашда қулайлик, даромадлилик ва ишончлилик қоидаларини илгари суради. Бу эса ташкилот операцияларининг компьютерлаштрилишига ва бутунлай интернетга бўлган эътиборни оширади. Ўзбекистон Республикасида интернетда интерактив хизматларининг умумий йўналиши билан боғлиқ операциялар, информацион таъминоти сифатида ва давлат иқтисодий сиёсатининг фаол иштирокчиси каби саналади.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ахборот технологиялари бозорини янада ривожлантириш имконини берадиган кучли қонунчилик тизими яратилди. Бу борада қабул қилинган ўн битта тармоққа оид ва олтита турдош қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг учта фармони, давлатимиз раҳбари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари мамлакатимиз ахборот - коммуникация технологиялари соҳасининг меъёрий - ҳуқуқий асосини ташкил этади. Ушбу ҳужжатлар асосида интернет, мобил алоқа ва бошқа хау-тек маҳсулотларини ривожлантиришга қаратилган қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда ва шу билан бирга иқтисодиётимизни модернизация қилишнинг юқори технологик базаси шаклланмоқда.

Замонавий ҳисоблаш техникаси воситаларидан самарали фойдаланишни уддалай оладиган, замонавий компьютерлардан амалий иш фаолиятида кенг фойдалана оладиган етук кадрлар тайёрлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Замонавий компьютер ва ахборот технологияларинин иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча сохаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан «интернет»га кириб

боришни кенгайтириш, юқори малакали дастурчилар тайёрлаш даражасини ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Вазирлар Махкамасининг 23 май 2001 йилдаги қарори бунинг яққол далилидир.

Бюджет ёки бюджетдан ташқари давлат ташкилотларини иш жараёни, ташкилотда амалга ошириладиган барча операцияларнинг XX - аср охирида компьютерлаштирилиши ва дастурлаштирилиши ишнинг тез ва унумли амалга ошишига ҳамда самарадорликни юқори кўрсаткичига эришишига олиб келувчи фактор бўлиб хизмат қилади.

Юқорида билдирилган фикрнинг асоси сифатида шахсан ўзимнинг магистрлик диссертациямни яратганлигимни мисол тариқасида кўрсатишим мумкин.

**Мавзунинг долзарблиги**. Президентимиз И. А. Каримов бугунги кундаги Жахон молиявий инқирозига қарши курашдаги энг муҳим вазифалардан бири деб «...давлат юқори ва қуйи ташкилотларининг иш жараёнига оммавий тарзда замонавий мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш» ни кўрсатган. Ушбу гапга изох берадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси шароитида ҳозирги кунда бюджет ва бюджетдан ташқари молиявий давлат ташкилотларида ишчи ходимларнинг салохияти қанча юксак даражада бўлса, унинг барча табақалардаги аҳолисининг яшаш тарзи шунча яхшиланади. Бундан ташқари ушбу ғоя замирида барчамизнинг «Электрон ҳукумат» тизимини тобора шакллантириш ва уни жамият хаётининг барча жабҳаларига кенг жорий этишдек вазифалар ётибди.

Шундай экан, замонавий ахборот технологиясига эга ҳисоблаш техникасидан ва ижтимоий электрон узатиш тизимларидан тўлақонли фойдаланмай туриб, замон талабларига жавоб берувчи молиявий муассасаларни ташкил этиш мумкин эмас. Яьни, молиявий муассасалардаги барча иш фаолияти жараёнини бевосита электронлашуви - иш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Шу боис, бундай муассасалар ҳам дастурли - аппарат комплекси сифатида, ҳам электрон шаклда ахборот узатишнинг коммуникация воситаси сифатида энг йирик

истеъмолчилар ҳисобланади. Ташкилотларнинг алоҳида автоматлаштирилган комлексларини боғловчи глобал тармоқлар миллий ва халқаро даражада хисоб - китоблар ўтказиш имконини беради.

Сир эмаски, замонавий компьютерлар хўжалик юритишнинг барча соҳаларига оид масалаларни ечиш учун ёрдам бермоқда. Бунинг оқибатида бугунги кунга келиб, жамиятда ахборот ва ахборотларни қайта ишлашга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Ахборотларни қайта ишлаш воситаси бўлган компьютерларнинг тури ва имкониятлари, уларга боғлиқ равишда компьютер ёрдамида ҳал қилинадиган масалалар доираси тобора кенгаймоқда.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, корхона - ташкилотларнинг иш самарадорлигини ривожланиши айни вақтда фақатгина кадрларнинг билими ва салохияти билангина эмас, балки уларнинг ишга бўлган қизиқишларини ошириш, шакллантириш, ташкилотдаги мавжуд замонавий ахборот технологиялари ресурслари ҳамда ташкилотдаги меҳнат жараёнини енгиллаштириш ва электрон хукуматни ривожлантириш мақсадида жорий қилинган турли кўринишдаги дастурлар ва дастурий мажмуалардан самарали фойдаланишлари билан ҳам узвий боғлиқдир.

Бу ўринда ходимларнинг ўзаро бир - бири билан кўпроқ фикр ҳамда маълумот алмашиши, иш жараёнида юзага келган турли хил муаммолар, таклифларни ечиш учун турли мавзуларда мухокамалар ўтказиши, меҳнат самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш мумкин.

**Диссертация ишининг мақсад ва вазифалари.** Бюджет ва бюджетдан ташқари давлат ташкилотларининг иш самарадорлигини ошириш учун тизимнинг барча ходимларини бир - бири билан ўзаро масофадан туриб мухокамалар ҳамда музокаралар олиб боришини таъминлаш, ходимларни фаолликка ундаш, тизим ходимларига, ташкилотга жорий қилинган ёки жорий қилинаётган дастурлар ва дастурий мажмуалардан фойдаланиш учун қўлланмаларни етказиб беришни таъминлаш, турли мавзудаги ва молия тизимига оид янгиликлардан доимий ҳабардор этишни таъминлаш. Фарғона

вилоятининг барча турдаги пенсия ва нафақа олувчиларни ёки бўлажак пенсионерларни янгиланган ёки янгиланиб борилаётган қонунлар, қарорлар, фармойишлар ва низомлардан ҳабардор этишни таъминлаш.

**Муаммонинг ишлаб чиқилиш даражаси.** Юқорида келтириб ўтилган муаммоларни ҳал этиш, ахборот технологиялари йўналиши бўйича малака оширган ёки ошираётган тажрибали, етук кадрлар ва мутахассисларнинг(дастурчи ёки дастурчилар гуруҳи) биринчи галдаги бурчи - вазифаси деб ҳисобланиши долзарб аҳамиятга эгадир.

Бундай мураккаб вазифани амалга ошириш учун эса, биринчи навбатда ходимларни бир - бири билан иш жойида яьни масофадан туриб мулоқотга киришиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, деярли барча турдаги давлат ташкилотларида ходимлар ўз лавозими доирасидаги мажбуриятларидан келиб чиқиб, доимий иш жойларида бўлишлари лозим.

Ушбу муаммоли вазиятни ечиш учун «ижтимоий интерактив хизматлар» турини яратиш лозим бўлади.

Бу ғоянинг яна бир долзарб жиҳати ҳам борки, ушбу жиҳат - давлат ташкилотларида фаолият юритувчи касб эгаларининг, компьютер ва ахборот технологияларидан тўлақонли фойдаланишларини ривожлантиради, иш фаолияти сохасига доир билим ва кўникмаларини янада оширади, яьни мухокама ўтказишда албатта тажриба ва билим, ёки маълум бир даражадаги махсус тайёргарликни талаб қилади.

Бу ўринда ходимларнинг ўзаро бир - бири билан кўпроқ фикр ҳамда маълумот алмашиши, иш жараёнида юзага келган турли хил муаммоларни ечиш учун турли мавзуларда мухокамалар ўтказиши, меҳнат самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга эканлигини таҳкидлаш мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Бугунги кунда ахборот технологиялари ва замонавий техника ютуқлари-глобал компьютер тармоқларини, мамлакатлараро хамкорлик дастурини амалга оширишнинг ажралмас қисми қилиб қўйди. Шунга кўра илмий ва маориф мақсадлар ва

бизнес учун кўплаб интерактив хизмат турлари ташкил этилган. Бундан ташқари ушбу субьектларни ва гурухларни бирлаштира олувчи ва дунё хамжамиятига кириш имконини берувчи интерактив хизматлар ҳам жуда кўпчиликни ташкил этади.

Интерактив хизматларни ташкил этишнинг энг тез ва яхши йўли, бу, уларни интернет тармоқлари орқали амалга ошириш ҳисобланади.

Одатда барча турдаги «ижтимоий интерактив хизматлар» алоҳида веб-портал сифатида яратилади. Чунки улар жамият ҳаётининг барча субьектлари учун мўлжалланган бўлади.

Аксарият, интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган ижтимоий интерактив хизмат турларида, ҳар хил турдаги, ҳар хил жинсдаги ёки ҳар хил сохадаги шахслардан гурухлар ташкил этиш имконияти мавжуд. Умумий интерактив хизмат порталларининг камчилиги ҳам айнан шунда. Яьни порталга рўйхатдан ўтган шахсга ҳеч қандай қонун қоида мавжуд эмас. У ўзининг музокарадош дўстларига ҳамда танишларига хохлаган турдаги маълумотни юбориш, ёки ўзининг профилдаги шахсий маълумотларини(анкетасини) хохишига кўра ўзи киритиши, ҳамда хохлаган фотосуръатни жойлаштириши мумкин.

Бу эса бизнинг урф - одатларимизга, миллий қадрятларимизга ҳамда «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон хаёт барпо этиш»дек шиоримизга зид бўлган ғоя ва мафкураларни келтириб чиқарувчи омиллардан бири хисобланади.

Шунингдек, замон талабларига тўлақонли жавоб берадиган корхона - ташкилотларга, кўпфункцияли, кўпимкониятли веб-саҳифа яратиш ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади. Чунки ҳозирги вақтда замон - деярли барча давлат ташкилотларининг веб-порталидан қуйидаги талабларга жавоб беришини кўрсатаяпти:

- Биринчидан, сайтдан фойдаланиш жараёни осон бўлиши учун асосий ва қўшимча менюларни фойдаланувчига қулай тарзда

жойлаштирилиши, сайтнинг кўриниши яъни дизайни сиёсий кўринишга эга бўлиши зарурлиги;

- Иккинчидан, фойдаланувчи ўзининг турли мурожаатларини мазкур ташкилотдан ташқари бошқа ташкилотларга интернет орқали юбориши учун, сайтда албатта «Ягона интерактив давлат хизматлари портали»га ўтиш имконияти мавжуд бўлиши лозимлиги;
- Учинчидан, порталда ташкилотнинг статистик кўрсаткичлари бўлиши зарурлиги;
- Тўртинчидан, янгиликлар бандини мавжуд бўлиши ҳамда доимий равишда сўнги ҳабарлар билан янгиланиб борилиши лозимлиги;
- Бешинчидан, киритилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигини таъминлаш.

Ҳозирда Ўзбекистонда ушбу талаблар асосида яратилган давлат порталлари кўпчиликни ташкил этади, бироқ вилоят миқёсидаги корхона-ташкилотларнинг деярли 39%да(ушбу кўрсаткич Фарғона вилоят ҳокимлигининг ахборот таҳлили бўлимидан олинди) ҳалигача веб - саҳифа мавжуд эмас. Бундан ташқари мавжудлари ҳам юқоридаги талабларга тўлақонли жавоб бермайди. Энг ачинарлиси шуки, каттагина маблағ эвазига яратилган порталларнинг, тегишли шахслар(сайтга маъсуллар) томонидан доимий равишда янгиланиб боришлигини амалга оширилмаётганлигидир. Мазкур диссертация юқорида келтириб ўтилган талабларга тўла жавоб берган ҳолда яратилган бўлиб, порталнинг барча турдаги маълумотлари Пенсия жамғармасининг раҳбарлиги асосида янгиланиб борилади.

Мазкур диссертация ишида юқорида келтириб ўтилган муаммоларнинг ечими сифатида қуйидагича тарифлаш мумкин.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона вилоят бошқармасининг веб - портали ҳисобланиб, унинг асоси сифатида веб - порталнинг асосий кўрсаткич менюлари қаторида жойлашган ва фақатгина ушбу ташкилотда фаолият юритувчи ходимлар кира олиш имконини

берувчи, коорпоратив тарзида фаоллашувчи, махсус рухсатлар қўйилган ва тегишли соха вакиллари(администратор) томонидан ҳар бир янги рўйхатдан ўтган ходимларни шахсий анкета маълумотларини ташкилотнинг ходимлар хизмати бўйича жорий этилган «WP Personal» ва «Kadr.MF» номли дастурий мажмуаларидаги шахсий анкета маълумотлари билан солиштириладиган ҳамда унда олиб борилаётган музокара - мухокама ва ташқи шахсий ҳабарлар тизимида юборилаётган ёки қабул қилинган ахборотни мунтазам равишда назорат қилиб борилувчи, ижтимоий интерактив хизмати яратилган бўлиб, унга ташкилотнинг худудий бўлинмаларида фаолият юритувчи ходимлар ҳам рўйхатдан ўтиш имконига эга. Бундан ташқари порталнинг ушбу қисми глобал интернет тармоғида фаоллашмайди. Ташкилот веб порталида айрим молиявий муассасаларнинг иш фаолиятига оид йўриқномалар, янгиликлар, архив маълумотлари, қонунлар каби фойдали иловалар жойлаштирилган.

**Тадқиқот предмети.** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона вилоят бошқармаси.

**Диссертация ишининг обьекти.** Замонавий ахборот технологиясига эга ҳисоблаш техникасидан ва ижтимоий электрон узатиш тизимларидан тўлақонли фойдаланиш замон талабларига жавоб берувчи молиявий муассасаларни ташкил этиш билан боғлиқдир. Чунки молиявий муассасалардаги барча иш фаолияти жараёнинининг бевосита электронлашуви - иш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, корхона - ташкилотларнинг иш самарадорлигини ривожланиши айни вақтда фақатгина кадрларнинг билими ва салохияти билангина эмас, балки уларнинг ишга бўлган қизиқишларини ошириш, шакллантириш, ташкилотдаги мавжуд замонавий ахборот технологиялари ресурслари ҳамда ташкилотдаги меҳнат жараёнини енгиллаштириш ва электрон хукуматни ривожлантириш мақсадида жорий қилинган турли кўринишдаги дастурлар ва дастурий мажмуалардан самарали фойдаланишлари билан ҳам узвий боғлиқдир. Шу боис, диссертация

ишининг обеьекти сифатида Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона вилоят бошқармаси танланди.

**Пенсия жамғармаси ҳақида.** Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 14 январдаги 9 - сон қарорига асосан Пенсия фондининг Ўзбекистон жумҳурият бўлими ташкил этилган.

Ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатларини амалга ошириш ҳамда ижтимоий суғурта маблағларининг тўғри ва самарали сарфланиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг 1993 йил 4 августдаги 391- сон қарорига мувофиқ, собиқ СССР Пенсия фондининг Ўзбекистон Республика бўлими негизида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилган. Унга Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши тизимидан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, фарзанд туғилганда, дафн этишга бериладиган нафақаларни тўлашга йўналтириладиган давлат ижтимоий суғурта маблағлари берилган.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти учун мажбурий бадалларнинг тўлиқ келиб тушиши ҳамда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича пенсия ва нафақаларни тўлашга харажатларни ўз вақтида молиявий таъминлаш учун ижтимоий таъминот органларининг маъсулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги 459 - сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва ижтимоий таъминот маҳаллий органлари қошида тегишли худудий бўлинмалари ва бўлимлари бўлган Пенсия жамғармаси ташкил этилган.

Пенсия таъминоти тизимидаги бошқарув тузилмасини такомиллаштириш давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар

тўлиқ йиғилишини кўпайтириш, амалдаги бошқарув тузилмаларини қисқартириш ҳамда пенсиялар ва нафақалар тўлашга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444 - сон қарорига мувофиқ, 2001 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига пенсиялар, шунингдек ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тўланадиган нафақаларни ўз вақтида ҳисоблаш ва тўлаш функциялари юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарорига асосан, 2005 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига айлантирилган.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ - 4161 - сон Фармонига мувофиқ, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсция ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг пенсия таъминоти ва тиббий - меҳнат экспертизаси масалаларининг бутун комплекси учун маъсул бўлган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимига кирувчи функциялар ҳамда тегишли тузилмаларни топшириш ҳисобига ташкил этилган.

# 1-БОБ. ВЕБ - ДАСТУРЛАШ ВА ВЕБ - ДАСТУРЛАШ СОҲАСИДА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1-& Веб - дастурлаш асослари ва интерактив хизматлар бўйича бошланғич маълумотлар

Бугунги кунда веб - дастурлашнинг илмий меҳнат маҳсули бўлган - «глобал интернет тармоғининг оммавийлиги» ҳақида фикр юритиш ўринсиз ҳисобланади. Чунки, интернет тушунчаси хаёт тарзимизнинг бир бўлагига айланди, биз унинг хизматларидан ва имкониятларидан деярли ҳар куни фойдаланишга одатландик. Ҳозирда ихтиёрий инсон веб - технологияларнинг инсон хаётининг таҳлим, коммерсия, сиёсат, кўнгил очар, … йўналишларига, бир сўз билан айтганда хаётимизнинг барча жабҳаларига кириб борганлигини тасаввур эта олади ва унинг гувохи ва фойдаланувчисига айланмоқда.

Глобал интернет тармоғи турли хил инсонларни ягона мақсад билан бирлашишига катта омил бўлиб хизмат қилмоқда. Барча интернет фойдаланувчилари тармоқдан бирор турдаги маълумот олишга ҳаракат қилади. Замон ривожлангани сайин, шундай вақтлар келадики, ҳужжатни интернетда чоп этиш малакаси ёзув машинкасидан фойдаланиш каби ҳар бир ҳатто ўрта маълумотга эга бўлган инсоннинг ҳам қўлидан келади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам веб - дастурлаш йўналиши бўйича бир қатор: веб - ҳужжатларни яратиш, уларни интернетда чоп этиш, веб-ҳужжатни кўркамлаштириш, қизиқарли ва ўзига тортувчи хусусиятларга эга қилиб яратиш ва ундаги маълумотларни доимий тарзда янгилаб бориш каби вазифаларни ўргатишга мўлжалланган бир нечта уқув курслари ташкил этилган, бундан ташқари давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, АКТдан фойдаланган ҳолда жисмоний ва юридик шахслар орасида тезкор мулоқат ва

ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, тақдим этиладиган хизматлардан кенг қамровли фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августидаги 181-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида «Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари ҳақидаги Низом» ва «Базавий интерактив давлат хизматлари реестри» тасдиқланган. Интернет технологияларини ривожлантириш ва оммалаштириш интернет хизматлари провайдерлари ва операторлари ҳамда маълумот узатиш тармоқлари сонининг ошиши билан бевосита боғлиқдир. Ҳукуматимизнинг халқаро маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш каналининг ўтказувчанлик қобилиятини оширишга кўмаклашаётгани сабабли провайдерлар сони кескин кўпаймоқда.

**Интерактивлик тушунчаси.** Интерактивлик деганда биз, фақатгина, биз ўрганаётган фан кесимида техник воситалар, компьютер, уларнинг дастурлари ҳамда фойдаланувчилар орасидаги ўрнатилган мулоқатни ташкил этиш тушунилади. Демак, Компьютер дастурлари шундай яратилганки, Биз у ёрдамида компьютер билан мулоқат ўрнатамиз.

Википедия онлайн энциклопедиясида интерактивликка шундай таъриф берилган: «Интерактивлик - тизимни ташкил этиш тамойили бўлиб, муайян мақсадга, шу тизим элементлари ахборот алмашуви орқали эришилади». Оддийроқ айтганда, масалан, мобил телефон орқали маълум бир сайтга кириб, қандайдир дастур ёки ўйинни телефонга юклаб олиш ҳам назаримизда интерактивликнинг бир кўринишидир. Яъни, виртуал восита орқали реал мақсадга эришилади. Уни қуйидаги чизма ёрдамида тавсифлаш мумкин.



Умуман олганда интерактивлик бу мулоқат тизимини ташкил этиш билан боғлиқ. Яъни, мақсадга кўра тизим элементлари орасидаги ахборий маълумотлар алмашинуви.Ушбу тушунча ахборот назарияси, информатика ва дастурлаш, телекоммуникация тизимлари, социология ва бошқа соҳаларда қўлланилади.

**Интерактив хизматлар тушунчаси.** Интерактивлик орқали фойдаланувчи моддий, маънавий, ижтимоий, иқтисодий, ахборий ва ишлаб чиқаришнинг турли манбаларидан кўриладиган манфаат мавжуд бўлса, унга интерактив хизмат қилинган деб тушунилади. Яъни, компьютер дастурлари орқали фойдаланувчига интерактив хизмат ташкил этилган деб тушунилади.

Веб саҳифа интернет тармоқларида жойлашган файллар тўплами бўлиб, уларни сони соат сайин кўпайиб бормоқда. Бу файлларда маълумотларнинг турли кўринишдаги: матн, график, тасвир, видео, аудио маълумотларни учратиш мумкин. Бугунги кунда веб интернет ресурслар тўплами, ресурслар мажмуалари ичида энг оммавийси ҳисобланади. Чунки, аввалдан тайёрланган веб саҳифа орқали тегишли маълумотларни тўлдириш фойдаланувчининг қанчадан - қанча вақтини тежаш имконини беради. Шу боис, олий ўқув юртларида математика ва информатика йўналишида таҳсил олувчи талабаларга веб технологияларни алоҳида курс сифатида ўқитила бошланди.

Дастлабки веб - саҳифалар жуда содда тузилишга эга бўлиб, улар матнни форматлаш ва гиперкўрсаткичлардан таркиб топган эди. Веб технологиялар ривожланиши натижасида веб - саҳифалар таркибига Плуг - ин деб аталувчи дастурлар ёки дастурий мажмуалар жойлаштирила бошланди, натижада веб саҳифаларга «интерактив» хусусияти берилди. Веб технологияларнинг ривожланишининг охирги натижаларидан бири бу - скрипт тилларидир(Script Language). Уларни веб – дастурлаш таркибида ишлатишдан асосий мақсад шуки, веб – саҳифа жойлашган веб - сервернинг иш жараёнини енгиллаштириш, ҳар - хил турдаги майда ишларни амалга ошириш учун ҳам веб - сервернинг ишлаш жараёнини фаоллаштирмасдан, бундай масалаларни фойдаланувчи компьютерининг(клиент-компьютернинг) ўзида амалга оширишдир. Веб технологиясининг охирги эришган ютуқларидан бири динамик веб - саҳифалардир. Динамик веб - саҳифалар CGI дастурлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, CGI дастурлар серверда жойлашган ва сервер имкониятларини тўлақонли равишда ишлатувчи дастурлардир. Улар серверга келган сўровларни қайта ишлайди ва қайта ишлаш натижасида янги веб - саҳифа ҳосил бўлади.

Ҳозирги интернет технологиялари ривожланган бир кунда веб саҳифалар яратиш, уларни таълим тизимига тадбиқ этиш, улардан ижобий маънода тўла фойдаланиш муҳим аҳамият касб этадиган масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада, яъни веб саҳифалар тайёрлашда амалиётда бир қанча дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб бу дастурларнинг барчаси ўз ўрнида муҳим ўринни эгаллайди. Бунга мисол сифатида веб саҳфалар учун дизайнлар тайёраш учун Adobe Photoshop дастурининг ўз ўрни бўлса, яъни расмларни фотомонтаж қилишда, веб саҳифамизни ташқи кўринишини ўзига хос қилиб тайёрлашда, фойдаланувчиларни ўзига жалб қила оладиган веб саҳифа яратишда ушбу дастурнинг олдига тушадигани йўқ деб айтиш мумкин. Икки ўлчовли графикада эса веб саҳифалар учун турли хилдаги анимацион ҳаракатлар (еффектлар) тайёрлашда фойдаланувчи диққатини ўзига жалб қила олишда, айниқса реклама роликлар яратишда фикрни тезкор

уқтириш воситаси сифатида Macromedia Flash дастурининг ўз ўрни бор. Энди эса бевосита веб саҳифаларни яъни HTML яратишга келсак бу борада ҳам бир қанча дастурий воситалар яратилган бўлиб, булардан ҳозирги кунда веб саҳифа яратувчилари тўла тўкис фойдаланишмоқда. Бундай дастурлар мажмуасига MicrosoftOffice дастурлар пакети таркибига кирувчи FrontPage дастури, Macromedia оиласига мансуб MacromediaDreamwiever ва PHP дастурларини олдига тушадигани топилмайди. Булардан ташқари ҳам бир қанча веб саҳифалар ярата оладиган дастурларни санаб ўтиш мумкин, лекин буларнинг барчаси ишлатилиши ва фойдаланувчи учун айниқса янги ўрганувчилар соддалиги билан ажралиб турсада лекин профессионал веб саҳифалар яратиш борасида юқори таъкидлаб ўтганимиздек PHP дастурдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хозирда аксарият йирик дастурчилар ёки дастурчилар гурухи қуйидаги веб-дастурлаш ресурс ва иловаларига таянган ҳолда ўз веб - саҳифаларини яратмоқдалар: HTML - хужжатнинг структураси, хужжат танасининг контейнерлари, графика, HTML да жадвал, HTML - шакллар, фреймлар, JavaScript нинг қўлланилиши, браузер дарчаси хусусиятини дастурлаш, шаклларни дастурлаш, графикларни дастурлаш, гиперматн ўтишларни дастурлаш, кадр орқасида дастурлаш, CSS нинг қўлланилиши, блокли ва сатрли элементлар, ранг ва шрифт, матн ва руйхатлар, позициялаштириш, ХМЛ - хужжатларни кўриш, XSL стилли жадваллари. Веб серверлар ишини ва уларда ишловчи дастурлаш, PHP веб дастурлаш тилини, Java XML - қайта ишловчилардан фойдаланиш, DOM мос анализаторлар.

Ушбу иловаларнинг деярли барчаси веб - дастурлаш жараёнини енгиллаштиради.

Бир неча йил аввал кўплаб веб - сахифалар яратувчилари статистик маълумотларгагина қўллар эдилар. Веб - сахифалар html - файллардан ташкил топиб, фойдаланувчи ўз браузерини ишга юклар ва ўқий олар эди. Секин аста веб - тармоғида фойдаланувчилар билан алоқа учун формалар

яратилиб, қидирув функциялари ҳамда ўзаро ахборот алмашиниш имкониятлари яратила бошланди, лекин сахифага мурожат қилувчига статистик маълумотлар аввалгидек кўринишда ифодалаб берилди. Энг эътиборли томони тармоқ магазинлари пайдо бўлиб, олди - сотди ишларини шу тармоқ асосида амалга оширувчи дастурлар ишлаб чиқарила бошланди.

Бутун жаҳон тармоғи шартларида компиляция ва объект кодини ҳосил қилиш маънога эга бўлмай қолади, чунки компиляция жараёнида ҳосил бўлган кодни қандай ҳисоблаш тизимида бажариш кераклигини олдиндан билиб бўлмайди. Шу сабабга кўра сервер объект коди ёки ассемблер кодини тармоқ бўйича узата олмайди. Шунинг учун интернет тармоғида дастурлаштиришнинг асосий хусусияти бўлиб, интерпретацияланувчи тилларни дастурлаштиришнинг асосий воситалари сифатида ишлатилиши ҳисобланади. Сервер мижознинг ҳисоблаш тизими архитектураси қандай бўлишини олдиндан билмагани сабабли дастур кодини интерпретация қилади (объект кодини эмас!). Шунда сервер ҳар доим фақат битта усул билан дастур кодини тайёрлайди. Бу ҳолатда интернетга мижозлар юкланиши ошиб кетиши мумкин. Масалани бироз осонлаштириш мумкин: интернет-сервер жорий дастурнинг охирги даражадаги кодини эмас, балки мижоз томонидан бажарилишга мўлжалланган паст даражадаги оралиқ кодни ҳосил қилади. Бунда маълумот алмашишда яна иккита дастур иштирок этади: сервер томонидаги компилятор (тўғрироғи транслятор), дастур жорий кодини юқори даражадаги оралиқ кодга трансляция қилиб беради ҳамда мижоз томонидаги интерпретатор, мижознинг ҳисоблаш тизими архитектурасига боғлиқ бўлмаган ҳолда оралиқ коднинг бажарилишини таъминлайди.

Глобал тармоқда кўпгина дастурларни ишлатишда айнан шу схема ишлайди. Бу схемани амалга ошириш учун кўп техник ва тил воситалари мавжуд. Уларнинг ичида HTML нинг ўз ўрни мавжуд. WWW да турли йўллар орқали тегишли маълумотга етиб бориш ва бу маълумотни кўриш, сақлаш, чоп этиш ва бошқа ишларни бажариш мумкин. WWW да йўллар сифатида телефон йўллари ишлатилади. Интернетда асосий тил сифатида

HTML тили ишлатилади. HTML тили дастурлаштириш тиллари сафига кирмайди. У гиперматнни белгилаш тилидир. Уни ўзининг структураси мавжуд. Кейинчалик интернет учун турли дастурлаштириш тиллари ишлаб чиқилди. Улар асосан скриптлар(script) ва сценарийлар тузишга ҳамда мижоз - сервер технологиясида ишлашга асосланган динамик сайтлар тузиш имконини беради. Лекин, умуман олганда, улар HTML тили структураси ичида скриптларни ишлатади. Буни тушуниш учун алоҳида процедура ёки функцияни чақириб ишлатиш сифатида қараш мумкин. HTML тилининг ўзида процедура ва функция тушунчалари мавжуд эмас.

## 1.2-& Веб - дастурлашда CMS тизимларидан фойдаланиш услубиёти

Барчага маълумки, бутунжахон тармоғида веб дастурлаш соҳасидаги лойиҳалар, веб-саҳифалар кундан - кунга такомиллашиб бормокда. Бу ҳолат Ўзбекистонда яъни, UzNetда ҳам жадаллик билан рўй бераётганини барчамиз гувохи бўлаяпмиз. Кимдир ўз саҳифасини яратса, корхона ва ташкилотлар ўз коорпоратив сайтларини яратмокдалар, яна кимдир ўз кундаликларини яъни, блогларини тегишли сайтларга жойлаштирмокдалар.

Шу билан бирга, йирик порталларнинг фаолияти ҳам ривожланиш даражасида жуда юқори натижаларги эришмокдалар. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ушбу юқори кўрсаткичларга эришиш, бирон-бир веб дастурий воситадан самарали фойдаланиш натижасида амалга оширилмокда. Яъни қайсидир дастурчи HTML тилида, қайсидир дастурчи эса PHP дастурлаш тилида яна қайсидир дастурчи CMS деб аталувчи тизимлари ёрдамида веб-сайтларини яратмокда. Ушбу дастурий воситаларнинг бизга озгина ёд ҳисоблангани CMS тизимлари ҳисобланади албатта. Хўш CMS деб аталувчи тизим қандай тизим? Бу тизим ҳақида сўз юритишдан олдин веб-саҳифаларни яратиш технологияларини бир ёдга олиб ўтсак мақсадга мувофиқдир.

1989 - йилда Тим Бернерс - Ли томонидан World Wide Web, яъни Бунунжахон ўргимчак тўри ихтиро қилинганидан бошлаб унинг ҳар бир фойдаланувчиси оддий бўлса-да, ўз веб-саҳифасини ярата олиш имкониятига эга бўлди. Лекин, бунинг учун HTML (Hyper Text Markup Language) тилини билиш шарт эди. Турли хил IT-компаниялари томонидан бу ишни осонлаштирувчи бир қанча дастурий пакетлар, жумладан Adobe Dreamviewer ва Microsoft FrontPage кабилар яратилди. Бундай дастурлардан баъзилари сайт яратишнинг барча босқичларини (HTML - кодни ёзишдан бу кодни серверга юклашгача) бошқаришни ўз зиммасига олади. Шу билан бирга, кўпгина ҳолларда (айнан оддий саҳифаларни яратишда) фойдаланувчи бу

кодни билиши шарт бўлмаган. Сабаби бу дастурларда веб - саҳифаларни яратишнинг визуал усулларидан фойдаланилган.

Бироқ, HTML - редакторларининг барча афзалликларига қарамай, сайтни бошқариш вақт ўтгани сайин ва янги маълумотлар қўшилиши билан қийинлашиб бораверди. Чунки ахборот технологиялари ривожланиши билан веб - сайтлар ҳам ривожланиб борди. Сайт харитасини яратишдек оддий функцияни қўшиш учун ҳам веб - яратувчилар томонидан анча - мунча меънат талаб этилар эди. Ахир бунинг учун барча иловаларни кўриб чиқиш, саҳифалар орасидаги боғлиқликларни текшириш, менюни яратиш, форумни қўшиш каби ишларни бажариш лозим эди. Бу эса доимий диққатни ва жуда кўп вақтни талаб этарди.

Сайт янгиланиши муаммосини, яъни янгиланишнинг автоматлаштиришини ҳал қилиш мақсадида йирик ахборот компаниялари, жумладан, Newcweek ва Time янги дастурий таъминот яратиш ишларини бошлашга мажбур бўлади. Бу дастурий таъминотлар контентни (маълумотларни) бошқариш тизимлари (CMS - Content Management System) деб аталди.

*Статик ва динамик веб - саҳифалар*

Энди савол туғилиши мумкин: оддий HTML кодида ёзилган саҳифа билан CMS нимаси билан фарқ қилади? Аввалομбор, HTML да ёзилган сайт статик ҳолда бўлса, замонавий сайтлар динамик кўринишга эга.

Оддий сайт қандай принсп асосида ишлашини кўриб чиқамиз. Фойдаланувчи бирор - бир, масалан, page.HTML саҳифасига мурожаат қилди дейлик. Веб - сервер ўзидаги веб - саҳифалар каталогини кўриб чиқади ва агар page.HTML бўлса, фойдаланувчига уни кўрсатади, акс ҳолда эса – 404 - чи хабарни («Файл топилмади») етказади.

Динамик сайт эса бироз бошқача ишлайди. Фойдаланувчи бирор саҳифага мурожаат қилади, бироқ бу мурожаат дискдаги аниқ бир файлга эмас, балки сайт движогига (агар движок PHP тилида ёзилган бўлса, одатда бу файл index.PHP бўлади) қаратилган бўлади. Движок фойдаланувчига

керакли маълумотни бирор манбадан (масалан, маълумотлар базаси ёки дискдаги файлдан) олади, уни HTML - саҳифага айлантиради ва веб - серверга узатади, у эса ўз навбатида, фойдаланувчи браузерига жўнатади.

Унда яна бир савол туғилади: агар битта файлнигина сўраб, уни браузерга узатиш мумкин бўлса, бунча мураккаблаштиришнинг ўзи нимага керак? Шунинг учунки, бу сайтни бошқариш қулай бўлсин. Айтайлик, сиз 100 саҳифалик (бу унчалик кўп эмас) оддий сайт яратдингиз. Эртами - кеч сиз бу сайт дизайнини, кўринишини ўзгартирмоқчи бўласиз. У ҳолда эса сиз шу 100 саҳифани қўлда ўзгартириб чиқишингизга тўғри келади. Устига - устак, сиз аввалига бу 100 саҳифани компютерингиздаги локал серверга юклаб олишингиз, ундан сўнг таҳрирлаб, керакли ўзгартиришларни киритишингиз ва охирида яна серверга юклашингиз керак бўлади.




Veb-serverning CMS siz holda qanday ishlashi

Ана энди динамик сайт қандай ишлашини кўриб чиқайлик. Асосий воқеа - «HTML - саҳифани яратиш». Яъни движок контентни - матнли маълумотни (у расм ва жадваллар билан ҳам бўлиши мумкин) олади ва уни дизайнга «кийинтиради». Демак, сайтнинг дизайнини ўзгартириш учун сиз фақатгина тайёр график мавзуни ўрнатишингиз ёки бир - иккита файлни - сайт шаблони файлларини ўзгартиришингиз керак.

CMS тизими саҳифаларни динамик кўринишга келтиради: улар фойдаланувчи саҳифани кўрмоқчи бўлгандагина амалда яратилади. Бу

дегани, саҳифалар фойдаланувчи томонидан бевосита кўрилаётганда янгиланиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

*CMS афзалликлари*

Бу тизимларнинг асосий жихати шундаки, динамик веб - саҳифаларни осон ярата олиш ва уларни турли хил ахборот билан тўлдириш имкониятини беришдир. CMS тизимлари одатда мураккаб бўлиб, улар ўз ичига хабарларни тарқатиш хизматлари (RSS), форумлар ва интернет - дўкониларни олади. Шу билан бирга, уларни ўзгартириш ҳам осон.




Veb-serverning CMS bilan qanday ishlashi

CMS нафақат сайтдаги турли маълумотларни бошқаришни автоматлаштиради, балки шу билан бирга, сайт тузилишининг техник томонлари билан таниш бўлмаганлар, яъни ёзувчи ва журналистларга сайтда ўз материалларини бевосита фойдаланувчи интерфейси орқали қўшиш имкониятини беради. Шу нарса тушунарли бўлдики, энди фойдаланувчиларга сайтда ўз материалларини кўриш учун HTML ни ҳам, сайтдаги маълумотлар янгиланишининг технологиясини ҳам билиши шарт эмас.

CMS тизими, шунингдек, веб-сайт яратишни турли хил мутахассислар орасида тақсимлаб чиқиш имкониятини беради. Шунга кўра, веб - дизайнер ўз диққатини сайтнинг кўринишига (дизайнни мукаммаллаштириш ва шаблонларни ўрнатишга) қараца, техник йўналишда бўлмаган мутахассислар

уни маълумотлар (матн, тасвир ва анимациялар) билан тўлдиришга ҳаракат қилади.

Бу ҳам ҳаммаси эмас. Маълумки, движок - CMS нинг бир қисми холос. У дизайн шаблони асосида сайт маълумотларини чиқариб беради. Бундан ташқари, CMS да сайтдаги маълумотларни бошқариш (улар сайт бўлимларини ва категорияларини яратишга ва маълумотларни улар орасида бўлиб чиқишга имкон беради) ва бу маълумотларни таҳрирлаш воситалари ҳам мавжуд. Шу билан бирга, фойдаланувчи сайт маълумотлари айнан қаерда (маълумотлар базасида, дискда HTML - файл кўринишида ёки умуман ташқи серверда) сақланаётганини билиши шарт эмас.

CMS қўлланилиши билан кўпгина қийинчиликлар бартараф этилиши мумкин. Юқорида мисол сифатида кўрилган сайт харитаси ҳам автоматик равишда тузилади, бунинг учун фойдаланувчидан ҳеч қандай меҳнат талаб этилмайди. Шу билан бирга, CMS сайтдаги қўшимча функцияларни, масалан, суратлар галереяси ёки рўйхатдан ўтиш ойнасини қўллаш имконини беради - шу каби функциялар CMS кенгайтмалари орқали амалга оширилади. Фақатгина у ёки бу кенгайтмани ўрнатиш керак холос.

*CMSга ўтишнинг ўзига хос қийинчиликлари.*

Хўш, CMS ларнинг шунча афзалликлари бўлганда нима учун барча сайт эгалари Joomla! ёки Drupal каби CMS ларга отишга интилмаяпти? Бунга бир қанча сабабларни кўрсатиш мумкин.

Биринчи сабаб, инерция бўйича кетиш ёки бошқача айтганда, ўзи билган нарсага ўрганиб қолиш. Инсон HTML ни ишлатишга ўрганиб қолади ва CMS га ўтиш сайтни бошқаришни автоматлаштириш бўйича қанча қулайликлар келтирмасин, бирор нарсани ўзгартиришни хоъламайди. HTML дан CMS га ўтиш - йиллар ичида амалга ошиши мумкин.

Иккинчи сабаб, мавжуд минглаб HTML - саҳифаларни CMS маълумотлар базасига мослаб ўзгартириш керак бўлади. Аксарият ҳолларда буни қўлда бажариш керак бўлади. Катта сайт учун бу жараён анча кўп вақтни олади, бу эса сайтни вақтинчалик фаолиятининг тўхташига ва балки,

компания томонидан кўриладиган молиявий зарарга олиб келади. Албатта, CMS га ўтиш сайтни бошқариш бўйича анча вақт тежалишини ҳисобга олса, келажакда бу ўзини оқлайди.

Энди, CMS га ўтишга ҳалақит берувчи фақатгина битта тўсиқ қолади - техник ҳолат. Деярли барча замонавий CMS ишлаши учун хостингда PHP интерпретатори ва MySQL маълумотлар базаси сервери бўлиши керак. Беш – олти - йил аввал шу каби функцияларни тақдим этувчи хостинг - провайдерлар кам эди. Ҳозирга келиб, вазият яхши тарафга ўзгарди ва PHP ҳамда MySQL ни қўллайдиган хостингни Ўзбекистоннинг ўзида топиш қийинчилик туғдирмайди.

*Қайси CMS дан фойдаланган маъқул?*

Ҳозирги даврга келиб, CMS асосига қурилган бир қанча тизимлар яратилган. Уларга мисол қилиб, Drupal, PHP - Nuke, WebDirector, Joomla!, NetCat, Claed, Microsoft CMS, Wordpress, PHPShop кабиларни келтириш мумкин. Бу тизимларнинг баъзилари умуман текин бўлса, баъзиларидан эса ҳаққини тўлабгина фойдаланиш мумкин.

CMS ни танлаш бир томондан осон ва жўндек кўринсада, бу жуда жиддий масала. Интернетда уларнинг турли йўналишдаги ўнлаб (агар юзлаб бўлмаса): юз долларлаб турадиганидан то очиқ кодли бепул туригача, маълум бир соҳагагина тааллуқлисидан ихтиёрий мураккабликдаги сайт қуриш имконини берадиганигача, осон бошқариладиганидан администратор учун катта қийинчиликлар келтирадиганигача турини топишингиз мумкин. Хуллас, агар CMS лар билан ишлаш бўйича ҳеч қандай тажрибангиз бўлмаса, кераклисини танлаш қийинлашиб кетиши тайин.

Дастлаб келинг, пуллик CMS ларни ишлатмасликка ҳаракат қиламиз. Ахир катта пул тўлаб, CMS ни ишлатишдан бесамара фойдаланишга нехожат. Шу ерда бир нарсани айтиб ўтиш керак: бу билан ўзимизга қийин қиламиз. Бошқа тарафдан эса, қанчалик мураккаб бўлса, шунчалик қизиқ бўлиши аниқ, шундай эмасми?

Энди CMS ларга яна бир талаб қўямиз: универсаллик. Бу дегани, биз ишлатмоқчи бўлган CMS ихтиёрий конфигурациядаги компютерларда ҳам ишлай олишидир. Шунингдек, сайтни локал сервердан ҳақиқий серверга кўчирганимизда ёки бевосита серверниг ўзида яратаётганимизда CMS билан ҳеч қандай қийинчиликлар туьилмаслиги керак. Бу талабга эса, афсуски, кўпчилик бепул CMS лар жавоб бера олмайди.

Барча дастурий таъминотларга қўйиладиган талаблардан яна бири - хавфсизлик (ахир сиз ҳафталаб - ойлаб яратган сайтингизни шунчаки қизиқиш учун бир кунда бузишларини хоҳламасангиз керак?). Шуниг учун CMS ларнинг хавфсизлик даражалари доимий янгиланиб туриши шарт.

Натижада, талабларимизга деярли тўлиқ жавоб берадиган қуйидаги: PHP Nuke, Drupal, Joomla!, Claed CMS тизимларигина қолади. Энди ана шу CMS ларни батафсилроқ кўриб чиқамиз ва ўзимизга керакли баози хулосалар чиқарамиз.

*PHP Nuke*. Энг биринчи CMS лардан бири бўлиб, афсуски, анча вақтлардан буён янгиланмай келмоқда. Бироқ, унинг коди кўплаб адашлари учун асос бўлиб хизмат қилмоқда (масалан, DotNetNuke, PostNuke). Бу бир - бирига ном жиҳатдан яқин бўлган тизимлар фойдаланувчи диққатига навбатма - навбат чиқиб туради. Функционаллик жиҳатидан тизим анча мукаммал бўлиб, унинг учун кўплаб қўшимча модуллар яратилган. Масалан, хабарлар лентаси, форум, мақолалар, сўровлар ташкил қилиш, статистика олиб бориш ва бошқалар. Аммо, сайтларнинг тузилиши жиҳатидан бир хиллик кузатилади. Шу билан бирга, бу тизим юкланиши қийин бўлади, яъни қўшимча модуллар саҳифа юкланишини секинлаштиради. Бу эса кўплаб фойдаланувчиларга ёқмаслиги тайин. Юкланиш нафақат саҳифага, шунингдек, серверга ҳам тушади, бу эса хостинг хизматини тақдим этувчиларга ёқмайди. Агар сизни шундай вазият қониқтирса, айнан шу CMS ни танлашингиз мумкин. Мурожаат қилиш учун расмий сайти: www.nukefiles.ru

*Drupal.* Турли хил ўзгартиришлар орқали ўзимизга мослаб олиш бўйича энг мукаммал CMS деб айтиш мумкин. Шу ерда шуни айтиш керакки, «Томчи» (бу тизим номи инглиз тилидан айнан шундай таржима қилинади) аслида, CMS эмас, балки «CMS ни тузувчи тизим». Унинг ёрдамида сиз тайёр блоклардан керакли CMS ни йиьасиз. Шуни айтиш мумкинки, функсионаллик ва дизайн жиъатидан ўзингизни қаноатлантирувчи CMS ни ъосил қиласиз. Стандарт модуллар тўпламига блог, форум, хабарлар лентаси, файлларни юклаш, овоз бериш, қидирув кабилар киради. Бунда кўринадиган камчилик битта: PHP ва MySQL ни мукаммал билиш лозим. Агар бу қисқартмаларни тушунмаган бўлсангиз, кейинги CMS га ўтаверинг, акс ҳолда эса бу тизимга жиддийроқ этибор беринг. Расмий сайти: www.drupal.org. Техник ёрдамни www.drupal.ru сайтидан ҳам олишингиз мумкин.

*Claed CMS.* Бугунги кунда анча оммабоп CMS бўлиб, турли хил сайтларда ишлатилади. Икки хил варианти мавжуд: пуллик ва текин (OpenClaed). Иккови ҳам битта ядрода қурилган (бу дегани хавфсизлик даражаси бир хил) ва фақатгина функсионаллигига таосир қилувчи модуллар сони билан фарқланади. Бепул вариантида бирор мавзудаги нисбатан кичик портални яратишингиз мумкин. Аммо, бундан ортиьини эмас. Дизайни ҳам унчалик катта қийинчиликларсиз ўзгартирилиши мумкин. Тизим аслида Россияда яратилгани учун рус тилидаги ёрдам (claed.net) ҳақида қайғурмаса ҳам бўлади.

*Joomla!* Бугунги куда энг мукаммал движоклардан бири (агар бепуллари ичида энг мукаммали бўлмаса) бўлиб, унинг учун шунчалик кўп қўшимча модуллар яратилганки, улар ёрдамида ўзингизнинг сайтингизга деярли ихтиёрий функсионалликни беришингиз мумкин. Бу дизайнга ҳам тегишли бўлиб, уни ўзгартириш учун ҳам жуда кўп шаблонлар мавжуд. Бироқ, бу ерда бир камчилик ҳам бор: шаблонлар тизими шундай тузилганки, саҳифаларни яратиш ва тўлдириш жараёнида сайт бўлимчалари кичик - кичик қисмлар бўлиб, ажралиб қолиши мимкин. Яъни, бу қисмлар жадваллар

асосида яратилган. Бу эса сайтингизга ўз шахсий кўриниш беришингизда бир қатор ноқулайликлар туьдиради: юқорида тилга олинган қисмчалар кутилмаган жойда чиқиб қолиб, жаълингизни чиқаради, шунингдек, уларни йўқотиш учун вақтингиз кетади. Умуман олганда, агар сизни тайёр шаблонлар қониқтирса (улар эса жуда кўп ва хилма - хил), у ҳолда бу тизим сизга жуда мос келади. Агар сиз Жоомла! ни танлаб ўзига хос оригинал сайт яратмоқчи бўлсангиз озгина терлашингизга тўғри келади. Расмий ёрдам сайти: joomla.org  Шунингдек, русча ёрдамни норасмий бўлсада, анча яхши бўлган joomlaportal.ru ва joom.ru сайтларидан ҳам олишингиз мумкин.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган тавсиялар асосида сиз ўз сайтингизни тез ва осон равишда яратишингиз мумкин. Аммо ҳеч қайси CMS сизга тайёр ҳолдаги сайтни тақдим этмайди. Бунинг учун сиздан ҳаракат ва меъҳнат талаб этилади. Яратаётган сайтингиз бошқаларникига ўхшамаслиги, дизайн жиъатдан такрорланмас ва оригинал бўлиши учун эса шахсий фантазиянгиз ва қобилиятингизни ишга солишингиз керак.

## 1.3-& CMS/CMF Drupal тизимининг веб дастурлаш соҳасида тутган ўрни

Drupal бу - сайтни бошқарадиган тизим (Content Management System, CMS). Кўпчилик Сайтни бошқарадиган Framework (Content Management Фрамеworк, CMF) деб ҳам аташади. Drupal PHP да ёзилган ва маълумотларни сақлаб туриш учун MySQL, PostgreSQL малумотлар базани ишлатади. Drupal очиқ кодли (OpenSource) ва GPL лицензияси билан ҳимояланилади. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак  Drupal орқали ҳар хил , катта - кичик сайтлар яратилади.

Drupal LAMP(Linux, Apache, MySQL, PHP) тизимига мўлжаланган, лекин бошқа дастурлар билан ишлатиш ҳам мумкин. Масалан PHP ни ишлата оладиган ҳар қандай Веб - сервер да ва шу Веб - серверни ишлата оладиган Операцион тизим(Windows, Linux, Mac OC...) Drupal ни ишлата олади. Айтайлик Windows, IIS, PHP, PostgreSQL. Ҳарким ўзига кулай тизимни ишлатиши мумкин. Бизда кўпроқ локал ишларда фойдаланиш учун Denwer ни мақул кўрилади.

Drupal модулли (Module) ва «кўп кўринишли» (Template) тизим. Drupal архитектураси деярли ҳар қанақа сайтларни яратиш имконини беради: блог, форумлардан тортиб, катта информацион порталларгача. Drupal асосида жуда ҳам кўп ва хилма - хил сайтлар яратилган. Drupal тизими ядросида Блог, Форум, Янгиликлар учун кеpакли модуллар бор. Drupal ни ядросидаги «асосий» модулларини санаб ва «қисқача» таърифлаб ўтамиз.

- User - сайт фойдаланувчиларини бошқаради
- Node - сайтдаги малумотларни бошқаради (саҳифа, пост, ...)
- Taxanomy - сайт малумотларини каталоглаштиради
- Menu - сайт menuларини бошқаради

- Poll - сайтда сўровнома яратиш учун ишлатилади
- Search - Сайтда қидирув имконини яратади
- Locale, Translation - Сайтни кўп тилли қилиш имконини беради ва хаказо…

Drupalни камчиликларига келсак,

- Кўпчилик Drupal OOP (Object Oriented Programming)ни ишлатмайди дейишади. Drupal дастурчилари бунга жавобан PHP (PHP 5гача)да OOP яхши эмаслиги учун деб жавоб беришади.
- Drupalни версиялари бир - бирига тўғри келмайди, яни Drupal версиялари APIлари бир - биридан фарқ қилади. Бунга Drupal дастурчилари – «агар биз Drupalни ҳамма версияларини бир - бирига тўғри келадиган қилганимизда, Drupalни кодлари жуда кўпайиб кетар эди ва жуда ҳам секин ишлайдиган бўлар эди. Шу билан бирга бундай юқори даражага эришолмас эдик ва бугунги кунгача етиб келолмас эдик» деган маонода жавоб беришади. Мени фикримча Drupal дастурчилари ҳақ.

*Drupalни ўрнатиш.*

Олдин айтиб ўтганимиздек Drupal LAMP тизимида ишлайди. Лекин бизда Windows операцион тизимини кўпроқ ишлатганимиз учун Denwer дастурлар тўпламини мақул кўрамиз.

Denwer нима?. Denwer - PHP, MySQL, Apache, Sendmail дастурларини бир - бирига мослаштирилган дастурлар тўплами. Бу Denwerни асосий стандарт версиясига кирадиган дастурлар. Лекин Denwerни қўшимча дастурларини (Postgre, Firebird, ActivePerl...) алоҳида ўрнатиш мумкин.

Демак Drupalни ўрнатишни бошладик. Бунинг учун дастлаб Denwerни http://denwer.ru сайтидан ўзимизга кўчириб оламиз ва ўрнатамиз. Denwerни ўрнатиш осон бўлганлиги учун Denwerни ўрнатиш ҳақида тўхталиб ўтмаймиз.

Denwer ўрнатганимиздан кейин одатда Denwer «Z:» (лекин фойдаланувчи ўзига маъкул кўрган дискни танлаши мумкин, бунинг учун

қайси жойга ўрнатиш сўралганда ўрнатиладиган диск ва унинг каталогини ёзиш кифоя) виртул диск яратади ва denwer шу виртуал диск ичида бўлади. Албатта биз яратмоқчи бўлган сайтлар ҳам шу диск ичида бўлади. Denwer «Рабочий стол»га қуйидагича 3та «ярлык» яратади.




Бу ерда «Start Denwer» Denwerни ишга туширади, «Stop Denwer» Denwerни ишлашини тўхтатади ва «Restar Denwer» эса Denwerни қайта ишга туширади. Биз Denwerни ишлатиб олиш учун «Start Denwer» ни ишга туширамиз. Browser га http://localhost деб ёзсак, бизда мана бундай ойна пайдо бўлиши керак.




Мана энди компютеримиз drupalни ўрнатиш учун тайёр бўлди. Дастурнинг ўрнатилувчи пакетини Drupalнинг расмий www.drupal.org сайтидан кўчириб олашимиз лозим. Ҳозирда сайтда энг сўнги синалган 6.16 версияси мавжуд шунинг учун, Drupalнинг 6.16 версиясини кўчўриб оламиз

ва ўрнатамиз. Агар сизда Drupal 6.x версияси йўқ бўлса, мана бу linkдан Drupal 6.x версиясини кўчириб олишингиз мумкин.

Drupal ўрнатилиши учун бизга MySQL база керак бўлади. Бунинг учун Denwerни ичидаги PHPMyAdmin дан фойдалансак бўлади. Browserга [http://localhost/Tools/PHPMyAdmin](http://localhost/Tools/PHPMyAdmin) ни ёзамиз. Шу эрдан «Базы Данных» ичига кирсак қуйидагича ойна пайдо бўлади.




Шу ердан янги база яратиб оламиз. Мисол учун «drupal» деган ном билан. Энди «Z:/home" ни ичига «mysite.uz» деб номланган папка яратамиз ва яна бу «Z:/home/mysite.uz» ни ичига «www» деб папка яратамиз. Энди шу яратган «Z:/home/mysite.uz/www» папкамизни ичига Drupal 6 ни , бизни мисолимизда drupal-6.16.tar.uz файлни архивдан очиб жойлаштирамиз. Агар архивдан очганингизда «www» папласини ичида «drupal-6.16» деган папка турган бўлса, «drupal-6.16» ни ичидаги ҳамма папка ва файлларни «www» папкасини ичига олиб ўтинг ва «drupal-6.16»ни ўчириб юборинг. Энди Denwerни «Restart Denwer» командасини ишга туширамиз, чунки биз яратган «mysite.uz» «virtual host»да яратилиши керак. Virtual Host ва Denwer ҳақида ёзганимда айтиб ўтаман. Энди «Z:/home/mysite.uz/www/sites/default/» да

жойлашган «default.settings.PHP» файлдан нусха олиб, уни «settings.PHP» деб номлаб қоямиз. Мана ва нихоят Browserга [http://mysite.uz](http://mysite.uz) деб ёззангиз, қуйидагича ойна чиқади:




Drupalни ўрнатишни «Install Drupal in English » linkи бўйлаб давом эттирамиз.




Бу ерда биз тепада PHPMyadmin орқали яратган MySQL базамизни номи ва MySQL учун фойдаланувчи малумотларини киритамиз.

➢ Database name : drupal

➢ Database username : root

➢ Database password :

Denwerда MySQL учун: фойдаланувчи «root» ва парол бўш қолади. Кейинчалик MySQL учун паролни ўзингиз хохлаганиздек қилиб ўзгартириб олишингиз мумкин. Ҳозир эса «Database password» дейилган жойни бўш қолдирамиз. «Advaced options»да эса қўшимча тўғрилашлар қилинади. Ҳозир «Advaced options»га ҳам тегмаймиз. Drupalни ўрнатишда давом этамиз. Кейинги қадамда қуйидаги ойна пайдо бўлади.




Бу ойнада сайтимиз учун керакли бўлган маълумотларни тўлдирамиз. Яъни:

➢ «Site name» - сайтимизни номи, масалан : «Менинг биринчи сайтим»

➢ «Site e-mail address» - сайтимизни e-mail манзили, сайт орқали фойдаланувчиларга e-mail жўнатиладиган бўлса шу e-mail орқали жўнатилади

➢ «Username» - сайт администратори учун ном. Ўзингизни исмингизни қўйишингиз ҳам мумкин, ёки «admin» десангиз ҳам бўлади

- «E-mail address» - site администратори e-mail адреси.
- «Password» - сайт администратори пароли, бизни сайтимиз фақат ўрганиш учун бўлаётгани учун паролни «1234567» десангиз ҳам бўлади.
- «Confirm password» - паролни тасдиғи
- «Default time Zone» - сайтни вақт зонаси, Ўзбекистон учун +0500
- «Clean URLs» - URL чиройли ҳолда кориниши, агар «Disabled» танласангиз URL лар «?q=» қўшилган ҳолса кўринади, бу эса сал ҳуникроқ кўринади
- «Update notifications» - бу Drupalни модули ҳисобланади.

Drupalни ва модулларини интернет орқали янги версияларини текшириб туради. Агар янги версиялари пайдо бўлса, Администраторга экранда ъабар пайдо бўлади. Агар кимда интернет секин ишласа, ёки ўртада прохй бор бўлса, Антивирус ва шунга ўхшаган тўсиқлар бўлса, буни ўчириб қўйгани яхши. Чунки интернетга уланиб янги версияларини қидиришга уринётганда, ҳар хил ъатолар бўлиши мумкин. Сайтни Интернетга қўйганингиздан кейин бу модулени ёқиб қўйса ҳам бўлади.

Ҳамма керакли майдонларни тўлдирганимиздан кейин, давом этиш тугмасини бўсак, қуйидаги ойна пайдо бўлади:




Drupal тизими Drupalни ўрнатганимиз билан бизни табриклаяпди. Your new site линкини боссангиз янги ўрнатилган Drupal сайтини кўрасиз. Агар қайсидир сабабларга кўра Администратор паролингизни эсдан чиқарган бўлсангиз Drupal сизни e-mailингизга хабар жўнатган бўлади. Denwer эса бу e-mailни аслида жўнатмайди, «Z:/tmp/!sendmail/» жойга файл кўринишида сақлайди. Шу жойда пайдо бўлган файлни ичидаги линк орқали фақат 1 марта администраторни паролини тиклаб олишингиз мумкин бўлади. Мана Drupalни ўрнатишни ҳам ўрганиб олдик, агар кимдадир Drupalни ўрнатишда хато чиқса, юқорида кўрсатилган амалларни бажарилиш тартибига эътибор бериши лозим.

Юқорида Drupalни қандай қилиб лосал компутерга ўрнатиш ҳақида айтиб ўтдик. Энди Drupal тизими билан танишамиз.

Юқоридаги ҳамма амалларни бажариб бўлингандан кейин, Browserда http://mysite.uz ни ёссак, бизда мана бундай саҳифа пайдо бўлиши керак:




Чап томондаги кўриниб турган линкларни тушунтириб ўтамиз.

- My account - Жорий фойдаланувчъи ҳақидаги маълумотлар ва уларни ўзгартириш шу ердан амалга оширилади
- Create content - айнан шу ердан керакли "Content"лар яни Малумотлар(саҳифа, янгиликлар,...) яратилади.
- Administrator - бу эрда Сайтни бошқариш амаллари бажарилади. Бу ҳақида куюроғда тўликроқ тўҳталиб ўтаман.
- Layout - жорий фойдаланувчини сайт тизимидан чиқариш

Administer қисмини бошлашдан олдин, «Create content» қисмидан қандай қилиб саҳифа яратишни кўриб олайлик.

«Create content» қисмига кирадиган бўлсак, у ерда иккита link кўрамиз, «Page» ва «Story» яни «саҳифа» ва «мақола» Булар маълумот турлари(Content types) ҳисобланади. Бу иккита маълумот тури Drupalни ўрнатган вақтимизда қўшиб ўрнатилади. Drupalда «Маълумотлар(Content)» - Маълумот турларига(Content types) бўлинади. Керакли жойда бошқа

қўшимча маълумот турлари қўшиш мумкин. Масалан : янгиликлар, ишчилар, маъсулотлар ва хаказо. Ҳозирда бизда иккита маълумот тури бор(Page ва Story). Шу ердан биз янги Саҳифа (Page) яратиб кўрамиз. Page linkини боссангиз мана бундай саҳифа очилади.




Бу ерда,

- Title - саҳифани номи;
- Menu Settings - шу маълумот menuда кўринишини тўгрилаш. Агар шу киритаётган маълумотингиз алоҳида menuда кўринишини ҳоҳласангиз шу жойда ўзгартириш қилишингиз мумкин;
- Body - саҳифанинг танаси, яни шу саҳифани ичига кирадиган маълумотлар;
- Input format - «Body»даги матнни филтер қилиш имконини беради;
- Filtered HTML - киритилган маълумотни фойдаланувчи browserига жўнатётганда, HTML тагларини кераксиз ва «зарар»ли қисмларини тозалаб ташлайди;
- Full HTML - киритилган HTML тагларини қандай бўлса, браузерга шундайлигича жўнатади;

➢ Revision information- шу саҳифани версияларини яратади. Тарихини яратади деса ҳам бўлади. Масалан шу саҳифани ўзгартирсангиз бундан олдинги ҳолати ўчирилиб кетмайди, маълумотлар базасида сақланиб туради;

➢ Comment settings - айнан шу саҳифа учун изоҳ қолдиришни бошқариш;

➢ Autoring information - шу саҳифа ким томонидан қўшилганини кўрсатиш мумкин, агар кўрсатилмаса жорий фойдаланувчи номидан киритилган деб ҳисобланилади;

➢ Publishing options - киритилаётган маълумот сайтда кўриниш-кўринмаслигини бошқариш.

Шу форма орқали янги Page қўшамиз. Биз мисол учун саҳифани номини «Bosh sahifa» деб номлаймлик ва Body ни оддий матн билан тўлдирайлик. Сиз ҳам ўзингизда хоҳлаган матн киритиб кўришингиз мумкин. Келинг шу саҳифамиз алоҳида менюда кўринадиган қилайлик. «Menu Settings»ни ичидаги «Menu link title»га «bosh sahifa» деб ёзамиз. «Parent item»га эса «»ни танлаймиз ва сақлаш учун «save» ни босамиз.




Эътибор берган бўлсангиз тепада янги меню пайдо бўлди. Мана энди Administer қисмига ўтсак ҳам бўлади. Сайтни бошқариш амаллари ҳаммаси Administer қисмида жойлашган.




Administer қисмини қисқача тарифлаб ўтсак.

- Content management - маълумотлар турлари ва маълумотларни бошқаришни ўз ичига олади;
- Site building - бу бўлимда сайтни кўринишини ва модулларни бошқариш амалларини қилиш мумкин;
- User management - фойдаланувчилар билан ишлаш;
- Site configuration - бу эрда сайтни тўгрилашлар ёки ҳар хил модулларни тўгирлашлар амаллари бажарилари;
- Reports - сайт бўйича ҳисоботларни тўғирлашлар ва ҳисоботларни кўриш шу бўлимда жойлашган.

Administer қисмига «қисқача» тариф бериб ўтилди. Яна Drupal ҳақида кичик бўлган тўғрилашни айтиб ўтмоқчиман. Ҳозир http://mysite.uz га кирадиган бўлсак, Drupal ни стандарт матни кўриниб турибди. Шу матн ўрнига «Bosh sahifa» чиқадиган қилиб қўйсак, куриб келаётган сайтимиз чиройлироқ кўринишга эга бўлади. Буни «Administer» қисмидаги «Site configuration» бўлимидан «Site information» менюсини танлаймиз.




Бу ерда «Default Front Page» даги «node» деган ёзувни «node/1» га ўзгартирамиз. Кимдадир «Bosh sahifa»ни линки бошқа бўлса, яни «Bosh sahifa» дан олдин бошқа малумот киритган бўлса ўзидаги «Бош саҳифа»ни линкини киритиши керак. Энди [http://mysite.uz](http://mysite.uz) га кириб текшириб кўришингиз мумкин.

## 1.4-&. Интерактив хизмат турлари, уларни яратиш технологиялари ва улардан фойдаланиш

*Интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган интерактив хизмат турлари.* Ҳозирги вақтда, ҳукуматимиз томонидан интерактив хизматларни шакллантириш, ташкил этиш ва уларни бошқаришга катта эътибор берилмоқда. Интерактив хизматларни ташкил этишнинг энг тез ва яхши йўли, бу, уларни интернет тармоқлари орқали амалга ошириш ҳисобланади.

Интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган интерактив хизмат турларига қуйидагилар киради:

*Транспорт воситаларнинг ҳаракатланиш жадвали.* Республикадаги транспорт воситаларини ҳаракатларини ифодалаш жадвали бир нечта сайтларда берилган. Фойдаланувчи сайтдан ўзига мақул транспорт воситаларини қатнови жадваллари ҳақидаги маълумотларни топади. Қуйида ушбу веб саҳифаларни келтирилган:

http://www.orexca.com – сайёҳлар учун мўлжалланган веб саҳифа;

http://www.tgpt.uz – Тошкент шаҳридаги транспорт воситалари ҳақидаги веб саҳифа;

http://www.goldenpages.uz - Ўзбекистон транспорт қатнови рейс жадваллари саҳифаси.

*Авиа рейслар жадвали.* Авиа рейслари бўйича маълумотлар жадвалини аниқлаш, улардан фойдаланиш учун http://uzairways.com - Ўзбекистон хаво йўллари авия компания веб саҳифасига мурожат қилинади. сайтда халқаро ва Ўзбекистон миқёсидаги авия қатнов жадваллари келтирилган (1-расм).




1-расм. Ўзбекистон хаво йўллари авия компания веб саҳифасининг умумий кўриниши.

*Темир йўл транспорти қатнови жадвали.* Республика ички ва ташқи темир йўл қатновлари жадваллари ва улар ҳақидаги маълумотларни қуйидаги веб саҳифалардан топиш мумкин.

uzrailpass.uz - темир йўл транспорт қатнови жадвали.

roxanatour.com - бу саёхлик фирмаси сайти бўлиб, бунда сиз халқаро ва Ўзбекистон ичидаги темир йўл қантовлари ва хаво йўллари қатнови жадвалллари ва у ерда жойлашган мехмонхоналар хақида маълумот ва буюртмалар мажмуаларини аниқлашингиз мумкин.

*Банк хизмати маълумотлари ва валюта курслари.* Ўзбекистондаги барча банклар хақидаги маълумотлар ва янгиликлар, кунлик валюта миқдорлари ҳақидаги маълумотларини қуйидаги сайтлардан олиш мумкин:

www.bank.uz;

www.mikrokreditbank.uz;

www.agrobank.uz;

www.asakabank.com;

www.new.nbu.com;

www.uzpsb.uz;

www.infinbank.com;

www.xb.uz;

www.ipotekabank.uz;

www.csb.uz ва ҳакоза банклар.

*Об ҳаво маълумотлари.* Республика барча вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳамда халқаро микёсда об - ҳаво ҳақидаги маълумотларни қуйидаги, Ўзбекистонда яратилган веб саҳифалардан аниқлаш мумкин.

www.ob-havo.uz

www.pogoda.uz

www.meteoprog.uz.

Об-ҳаво прогнози бўйича энг тўлиқ маълумотларни www.meteoprog.uz веб саҳифасидан олиш мумкин. Саҳифа дизайни ҳам фойдаланувчилар учун жуда қулай(2-расм).




2-расм. Ўзбекистон микёсида об-ҳаво прогнози веб-саҳифасининг умумий кўриниши.

*Янгиликлар.* Ўзбекистон Республикасида фаолиятлари дорасида олиб борилаётган асосий янгиликлар мажмуасини www.uza.uz, www.gov.uz ҳамда www.desk.uz веб сайтлари орқали топиш мумкин. Ушбу веб саҳифаларда Давлат бошқарув ва хўжалик юритувчи органлар веб саҳифалари орқали

кўрсатиладиган интерактив хизматлари, улар фаолияти ҳақидаги янгиликлар, хабарлар мавжуд.

*Теле ва радиоэшиттириш дастурлари.* Ўзбекистон миллий телерадио компанияси маълумотлари ва теледастурлар жадвалини ҳамда уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган маълумотларни қуйидаги веб саҳифалардан олишингиз мумкин: www.mtrk.uz

*Иш ўринлар биржалари.* Республика доирасида бўш иш ўринларини топиш, аниқлаш ва мулоқат ўрнатиш қуйидаги веб саҳифалар орқали амалга оширилиши мумкин. www.myjob.uz, www.vakansi.uz бу сайтлардан сиз иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни ва сиз, ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни тўлдириб жўнатишингиз ва жавоб олишингиз мумкин.

*Спорт янгиликлари.* Республика ва халқаро спорт мусобақалари, уларнинг ўтказилиш жадваллари ва ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги веб саҳифалардан қидириш мумкин: www.uff.uz, www.the-uff.com, www.paxtakor.uz; www.bunyodkor.uz; www.fifa.com. Бу сайтлардан Ўзбекистон футболи ва жахон футболи янгиликларини олишингиз мумкин. www.sportportal.uz бу сайтдан эса спорт турлари рейтинги янгиликлари ҳақидаги маълумот олишингиз мумкин(3-расм).




3-расм. www.sportportal.uz веб саҳифасининг умумий кўриниши.

*Давлат бошқарув ва хўжалик юритувчи органлар веб саҳифалари орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлар.*

Интерактив давлат хизмати - идоралар томонидан идораларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникациялар тармоғи орқали жисмоний ва юридик шахсларга ахборот - коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар.

Интерактив давлат хизмати қуйидаги шаклларда кўрсатилади:

- умумий фойдаланиладиган ахборотни эълон қилиш (тарқатиш) - тегишли ахборот тизимлари, шу жумладан Интернет орқали давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича хизматларни реализация қилиш;
- бир томонлама ўзаро ҳамкорлик - электрон шаклдаги ҳужжатларнинг ҳар хил формулярларидан фойдаланиш имкониятини бериш;
- икки томонлама ахборот айирбошлаш - сўров бўйича қабул қилиш, таҳлил (кўриб чиқиш) ва жавоб юборишни ўз ичига оладиган идора хизматлари (буюртманомалар ва мурожаатларни тақдим этиш, уларни қайта ишлаш натижаларини тақдим этиш ва/ёки бериш);
- электрон шаклдаги маълумотлар тўлиқ айирбошланишини амалга ошириш, шу жумладан хизматлар кўрсатиш ва уларга ҳақ тўлаш шаклида кўрсатилиши мумкин.

Бугунги кунда давлат органларининг веб-сайтлари орқали аҳолига интерактив давлат хизматлари асосида 384 турдаги интерактив хизматлар кўрсатилади.

Қуйидаги веб саҳифалардан давлат бошқаруви ва хўжалик юритувчи органлар веб саҳифалари орқали кўрсатиладиган интерактив хизматлари, улар фаолияти ҳақидаги янгиликлар, хабарларни топиш мумкин.

- Ўзбекистон Республикаси хукуматинниг портали.

www.gov.uz (4-расм).




4-расм. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат порталининг умумий кўриниши.

Хозирги кунда интерактив веб - сайтлар асосида яратилган тармоқ, яъни ижтимоий тармоқлар таркиби - тор маънода фақатгина иштирокчилардан иборат бўлган ва улар орасида мулоқот ўрнатувчи, кўп сонли фойдаланувчилардир, кенг маънода эса, корхона ва муассасалар, давлат ва хукумат фойдаланувчилар тушунилади.

Бундай веб сайтларда одатда фойдаланувчи ўзи хақидаги қисқа ёки кенгайтирилган маълумотлар (фамилияси, исми, шарифи, туғилган санаси, таълим олган ўрта ёки олий таълим муассасалари ва бошқалар) ни жойлаштириш имконига эга бўлади. Ўз навбатида ижтимоий тармоқ иштирокчиси ҳам зарур, хар хил турдаги маълумотларини олиши мумкин бўлади.

Интернет ҳамжамияти доирасида ёшларнинг алоқалари - янги алоқаларга тайёргарлик ва интилиш, индивидуал алоқада бўладиган турли маданий кодлар вакиллари билан мулоқотда бўлиш, бошқа ва бегона маданиятлар элементлари билан янада яқин ва толерант муносабатларга очиқ - алохида шахслар турини шакллантиради. Тармоқ алоқалари ёрдамида

ёшлар, маданий қадрятлар тўғрисида ўзаро фикр алмашиш, ижтимоий тажрибанинг янги турини - виртуал ўзаро алоқаларни, яъни масофали мулоқот режимида ўнлаб, баъзан юзлаб одамлар ўртасида барқарор алоқаларни келтириб чиқаради.

Виртуал ўзаро алоқалар ўзининг оқибатлари бўйича шахс учун жонли мулоқотдан кўра кўпроқ аҳамиятли ҳақиқатни ҳосил қилади. Тармоқ ҳамжамиятлари ҳақидаги маълумотлар, уларнинг долзарб масалалар бўйича мунозараларни таҳлил қилиш ва бошқа тадқиқотчилик материаллари асосида аниқланади, таърифланади ва турларга ажратилади.

Ижтимоий тармоқларнинг интернетдаги ғалабали юриши 1995 - йилда америкаликларнинг Classmatec.com (Одноклассники унинг русча аналоги



ҳисобланади) ижтимоий тармоғи яратилиши билан бошланди. Бу ижтимоий тармоқнинг мақсади синфдошларни интернет тармоғи орқали қидириш, топиш ва мулоқот ўрнатиш эди. Вазифалари эса, ўзаро қизиқиш тўрларини ҳосил қилиш ва мулоқотни сақлаб қолишдан иборатдир.

Албатта, бундай интерактив веб - саҳифаларни яратишдан асосий кўзланган мақсад бир томондан маблағ ишлаш бўлса, иккинчи тамондан саҳифани оммалаштириш ҳамда бир хил дунёқарашга эга бўлган шахслар ва шахслар гуруҳларини шакллантириш ҳисобланади. Салбий томони, эса шаклланган гуруҳларни бошқариб бўлмаслигидадир.

Мазмунига кўра ижтимоий тармоқ икки турга бўлинади:

✓ Фойдаланувчилар орасидаги мулоқотни ўрнатиб берувчи дастурий - аппаратли комплекс;

✓ Фойдаланувчилар орасидаги умумий қизиқишларни аниқлаш, гуруҳлар орасидаги мулоқот интернет тармоғи орқали амалга ошиши.

Ижтимоий тармоқнинг мақсади - интернетда ўзаро қизиқишлар ёки фаолиятга эга шахслар билан хамжамият қуришдан иборат бўлган, куйидаги хусусиятлардан ўзаро алоқа ички почта ёки хабар алмашиш тизими, ижтимоий тармоқлар очиқ ёки ёпиқлиги ва дўстлар ва гурухлар тизимларидан иборат.




Ижтимоий тармоқларнинг фойдаланувчилари сони бўйича рейтинги юқорида номлари келтирилган веб - сайтлар таҳлил қилинганда қуйидиги салбий ҳолатлар ва камчиликлар учраб туради:

- Фойдаланувчиларнинг айримлари ўз номлари билан рўйхатдан ўтишмайдилар;
- Номақбул фото суръатлар қўйишадилар;
- Ўзаро мулоқатларда ҳурматсизлик қилишадилар;
- Саҳифалар ижтимоий бўлишига қарамасдан сиёсий мулоқатлар ўрнатадилар ва ҳокоза.

Демак, ижтимоий тармоқларда маълумотлардан, шу жумладан шахсий маълумотлардан фойдаланиш маданияти деганда, юқорида келтирилган салбий ҳолатлар ва камчиликларга йўл қўймаслик тушунилади.

Унутмаслик керакки, маълум бир шахс томонидан интернет тизимига қўйиладиган маълумотлар бошқа шахслар ёки ижтимоий гуруҳлар томонидан турли мақсадларда ҳам фойдаланиилиши мумкин. Шу жумладан, маънавият ва маърифатга зид ҳам бўлиши мумкин. Ижтимоий тармоқлардан фойдаланилганда у ердаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига, фойдаланувчини алдашмаётганлигига иқрор бўлиб, сўнгра маълум бир қарорга келиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга бундай салбий ҳолатлар ва камчиликларга йўл қўймаслик ҳамда ахборот ҳамжамиятлари ташкил топиши шароитларида ёшлар ўртасида алоқалар соҳасидаги узоқ муддатли жараён ва ўзгаришларни англаб етиш учун, ёшларнинг ижтимоий алоқаларини назарий - методологик асослари ва ахборот ҳамжамияти назариясини ўрганиб чиқиш лозим.

# 2-БОБ. БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСЛУБИЁТИ

## 2.1-& Давлат ташкилотларида интерактив хизматларнинг ўрни ва аҳамияти.

Интерактив хизмат турли соҳа ходимларининг мушкулини осонлаштириш билан бир қаторда, иш самарадорлигини янада оширишда, халқимиз турмуш фаровонлиги ҳар қачонгидан ҳам ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқармаси Фарғона вилояти ҳамда унинг шаҳар - туман бўлимларида ҳам янгича мезонлар асосида иш юритишга алоҳида эътибор билан қаралмоқда.

Бундан кўзланган эзгу мақсад, энг аввало, Пенсия ва нафақа олувчиларга сифатли, тезкор ва қулай хизмат кўрсатишни йўлга қўйишдан иборатдир. Шубҳасиз, бу борада Президентимизнинг 2002 йил июнидаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот - коммуникация технологияларини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Унда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга дадил татбиқ этиш ва улардан фойдаланиш тартиблари ўз ифодасини топган. Айни чоғда, Пенсия жамғармаси ва бошқа вазирликлар, идоралар ўртасидаги ҳамкорлик доирасида электрон ахборот алмашинувини ташкил этиш, пенсия ва нафақа олувчиларга интерактив хизматлар кўрсатиш вазифалари белгилаб берилган. Шу асосда жорий йил бошидан буён Пенсия жамғармаси бўлимларида яна 4 турдаги замонавий хизматлар йўлга қўйилди. Натижада уларнинг жами сони 12 тага етди. Шундан 10 таси ҳукуматимизнинг тегишли қарорларига мувофиқ, Базавий интерактив давлат хизматлари ресстрига киритилган. Қолаверса, айни кезларда 20 га яқин интерактив хизмат бевосита пенсия бўлимларининг ташаббуси билан кўрсатиб келинмоқда. Уларнинг сони ва сифатини янада ошириш учун қўмита томонидан интерактив давлат хизматлари реестри, регламентлари ҳамда ҳар бир хизмат тури бўйича масьул тузилмалар ва

ходимлари таркиби тасдиқланган. Бундан ташқари, ҳар қайси хизмат бўйича фойдаланиш йўриқномалари қайта ишлаб чиқилиб, янгиланган вариантлари расмий сайтга жойлаштирилмоқда.

Пенсия ва нафақа олувчиларни қўшимча қулайликлар билан таъминлаш мақсадида, яқин келажакда мобиль алоқадан фойдаланиш имконини берувчи иккита интерактив хизмат тури яратилиши кўзда тутилган ва улар воситасида Пенсия олувчиларнинг пенсия нархлари ҳақида SMS - ахборот олишлари мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 23 августда «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш тўғрисида» 181-қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан АКТдан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари тўғрисидаги Низом ва базавий интерактив давлат хизматлари реестри тасдиқланган.

Энди савол туғилади. Бир томондан ҳукуматимиз давлат ахборот ресурслари очиқлигини таъминлаш, хусусан, давлат органлари ва хўжалик бошқаруви идоралари, ҳокимиятлар расмий веб-сайтлари орқали хизматлар тақдим этишни такомиллаштиришга эътибор кучайтираётган, яна бир томондан фуқороларимиз онлайн хизматларга ўрганиб-одатланиб бораётган бугунги кунда интернет бозорининг давлат секторида талаб ва таклиф қай аҳволда?

Миллий www.uz қидирув тизимига мурожаат қиламиз. UZ домен ҳудудида 11та вазирлик, 11та давлат қўмитаси, 7 тадан турли агентлик, инспексия ва марказлар, шунингдек, ҳокимиятлар ва яна бир қатор давлат органлари расмий веб-сайтлари ишлаяпти. Давлат солиқ қўмитаси (soliq.uz), Электрон ҳисобот (e-hisobot.uz) ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали (gov.uz) сайтлари кунлик ташрифлар (hostlar) ва уни саҳифалаш (xitlar) кўрсаткичи бўйича давлат органлари сайтлари орасида етакчи

учликни банд этиб турибди. Бу уч сайт UZ домени умумий рейтингида мувофиқ равишда 41, 42 ва 51-поғоналарда жойлашган (2013 йил 31 декабр).

Умумий рейтинг етакчи ўнлигидан uz-kino.uz, torg.uz, olam.uz, lyriss.uz, mover.uz, nnm.uz, uff.uz, MyTube.uz каби сайтлар ўрин олган. Буларнинг нақ еттитаси медиаконтентга асосланган кўнгилочар сайтлар, қолганлари футбол, тил ўрганиш, олди-сотди йўналишларидадир. Эътиборли томони, уларга бир кунда ўртача 8 мингдан 17 мингтагача интернет фойдаланувчиси ташриф буюради.

Сайтларни ўрганиш давомида миллий интернет сегментида ўзимиз учун ҳали маълум бўлмаган қирраларни кашф этиб, баъзи бир анъаналар шаклланганига ҳам гувоҳ бўлдик. Бундан ташқари замонавий ахборот технологиясига эга ҳисоблаш техникасидан ва электрон узатиш тизимидан фойдаланмай туриб, замон талабига жавоб берувчи молиявий муассасаларни ташкил этиш мумкин эмас. Шу боис, бундай муассасалар ҳам дастурли-аппарат комплекси сифатида, ҳам электрон шаклда ахборот узатишнинг коммуникация воситаси сифатида энг йирик истеъмолчилар ҳисобланади. Ташкилотларнинг алоҳида автоматлаштирилган комлексларини боғловчи глобал тармоқлар миллий ва халқаро даражада хисоб-китоблар ўтказиш имконини беради.

Шу ўринда, ташкилотларда интерактив хизматларни ривожлантиришда «ягона ойна» тамойили ҳам жуда улкан рол ўйнаётганини айтиб щтиш лозим. Аҳоли ва тадбиркорлик субектларига «бир ойна» тамойили асосида интерактив давлат хизматлари кўрсатадиган Ягона интерактив давлат хизматлари портали ишга туширилганидан сўнг ҳозирда ушбу ягона портал фуқороларга ишончли ва қулай интерактив хизматларни кўрсатиб келмоқда. Сайтда иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларини ўз ичига олган қирқдан зиёд хизмат тақдим этилган. Бундан ташқари, тадбиркорлар учун турли соҳаларда тегишли лицензиялар олиш учун аризаларни жўнатиш хизмати ташкил қилинган. Хизматлар сони янада кўпайиб бормоқда.

Ягона порталда асосий эътибор фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишга қаратилганлиги, фуқаролар ва тадбиркорлик субектлари давлат ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимияти органларига мурожаатларини тақдим этишлари мумкин эканлиги тақсинга сазовор. Эслатиб ўтаман ягона интерактив давлат хизматлари портали 2013-йилнинг 1-июл санаси куни ишга туширилган.

Давлат ташкилотларига интерактив хизматларини жорий этилганлиги барча соҳадаги ходимларга ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга бир қатор қулайликлар яратди.

Жумладан: Давлат солиқ органлари хизматларини давр талабига мувофиқ, замонавий технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда интерактив тартибда ташкил этишга қаратилган бир қатор ишлар оширилди. Интерактив хизматларни жорий этишда ахборот айрибошлаш ва тарқатиш тезкорлигини ошириш, солиқ идоралари фаолиятининг очиқ ошкоралигини таъминлаш, аҳолининг солиқ маъмурчилигида янада қаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратишга имкониятлар кенгайтирилмоқда. Айни вақтда интерактив хизматларнинг тадбиқ этилиши солиқ хизмати ходимлари учун ҳам, солиқ тўловчилар учун ҳам бирдек қулай ва фойдалидир. Зеро, бу юридик ва жисмоний шахслар ҳамда давлат солиқ органлари харажатларини камайтириш имконини беради ҳамда солиқ органларининг ўз функцияларини бажариш самарадорлиги ва тезкорлигини оширишга хизмат қилади. Ушбу фикрларнинг исботи сифатида қуйидаги кўрсаткичларни кўрсатиш мумкин: «Электрон солиқ ҳисоботларини қабул қилиш» интерактив хизматидан Фарғона вилоятидаги жами ҳисобот топшираётган корхона ва ташкилотларнинг 85 фоизидан ортиғи фойдаланаётгани, жорий йил бошидан буён 22286 та ҳисобот электрон шаклда тақдим этилгани ва шу орқали 13 тонна ёки 80 миллион сўмлик қоғоз иқтисод қилингани, бу борадаги ишларни изчил давом эттириш зарурлиги таъкидлаш мумкин.

## 2.2-& Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона вилоят бошқармаси ва унинг веб - портали ҳақида. Веб - порталнинг мақсад ва вазифалари.

*Пенсия жамғармаси хақида.* Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 14 январдаги 9 - сон қарорига асосан Пенсия фондининг Ўзбекистон жумҳурият бўлими ташкил этилган.

Ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатларини амалга ошириш ҳамда ижтимоий суғурта маблағларининг тўғри ва самарали сарфланиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг 1993 йил 4 августдаги 391- сон қарорига мувофиқ, собиқ СССР Пенсия фондининг Ўзбекистон Республика бўлими негизида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилган. Унга Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши тизимидан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, фарзанд туғилганда, дафн этишга бериладиган нафақаларни тўлашга йўналтириладиган давлат ижтимоий суғурта маблағлари берилган.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти учун мажбурий бадалларнинг тўлиқ келиб тушиши ҳамда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича пенсия ва нафақаларни тўлашга харажатларни ўз вақтида молиявий таъминлаш учун ижтимоий таъминот органларининг маъсулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги 459 - сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва ижтимоий таъминот маҳаллий органлари қошида тегишли худудий бўлинмалари ва бўлимлари бўлган Пенсия жамғармаси ташкил этилган.

Пенсия таъминоти тизимидаги бошқарув тузилмасини такомиллаштириш давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар тўлиқ йиғилишини кўпайтириш, амалдаги бошқарув тузилмаларини қисқартириш ҳамда пенсиялар ва нафақалар тўлашга йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444 - сон қарорига мувофиқ, 2001 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига пенсиялар, шунингдек ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тўланадиган нафақаларни ўз вақтида ҳисоблаш ва тўлаш функциялари юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарорига асосан, 2005 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига айлантирилган.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминотига йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ - 4161 - сон Фармонига мувофиқ, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсция ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва

мониторингини юритиш Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг пенсия таъминоти ва тиббий - меҳнат экспертизаси масалаларининг бутун комплекси учун маъсул бўлган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимига кирувчи функциялар ҳамда тегишли тузилмаларни топшириш ҳисобига ташкил этилган.

Пенсия жамғармасида ҳар бир бўлим аъзосининг ўз лавозимидан келиб чиқиб, бўлимлар қуйидагича вазифаларни ўз ичига олади:

**Раҳбарият:**

- *Бошқарма бошлиғи ва бошқарма бошлиғи ўринбосари* - Молия вазирлиги Ҳайъат қарорлари, буйруқлари ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ижро этувчи аппаратининг мажлис қарорлари, буйруқлари ва топширик хатларининг ижросини белгиланган муддатларда таъминлашни назорат қилиш, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари, ҳудудий ТМЭК раислари иш фаолиятини назорат қилиш, пенсия қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни тубдан кучайтириш, ҳар бир қонунбузилиш ҳолати бўйича тегишлилигига қараб, почта корхонаси, корхона ва ташкилотлар, тижорат банклари раҳбарларига тақдимномалар киритиш ва ушбу тақдимномаларни ижро этилиши устидан назорат ва ҳисобининг юритилишини ташкил этиш, Даврий ҳисоботларни муддатида ва сифатли топширилишини кечиктирган бўлим раҳбарларига нисбатан интизомий чора кўриш бўйича таклиф киритиб бориш, ТМЭКлар томонидан амалга оширилаётган ишлар, ногиронлик динамикаси ва ҳисоботларини Пенсия жамғармаси бўлимларига тақдим этиб борилишини назоратга олиш, туман (шаҳар) бўлимларида ўтказилаётган текширишларда аниқланаётган ортиқча тўловларни ундириш чораларини кўрилишини назорат қилиш;

Шунингдек, Жамғарма даромадларининг ойлик, чораклик ва йиллик прогноз кўрсаткичларини ҳудудлар бўйича сифатли бажарилишини таъминланиши юзасидан назорат ўрнатиш, Пенсия жамғармасига ҳисобланган тўловларини ўз вақтида тўламаганлиги учун юридик ва жисмоний шахслардан пеня ва жарималарни ундирилиши бўйича солиқ идоралари билан ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш;

Бошқарма ва бўлимларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳомийлик ва бюджетдан ташқари маблағлар жалб этиш чораларини кўриш юзасидан таклифлар киритиш, туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятини жойида ўрганиб бориш, уларнинг меҳнат шароитини янада яхшилаш учун маҳаллий хокимликларга тавсиялар бериш ва амалий ёрдам кўрсатилишини назоратга олиш, бошқарма ходимлари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан доимий таъсирчан назорат олиб борилишини таъминлаш.

**Пенсия ва нафақаларни тайинлаш мониторинги ва таҳлили бўлими:**

*Пенсия ва нафақаларни тайинлаш мониторинги ва таҳлили бўлими бошлиғи ва бош мутахассиси* - Бўлим ишини амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан юритилишини таъминлаш, бўлим иш режасини тузиш ва ижросини таъминлаш, бўлим мутахассиси томонидан қонунчиликка асосан услубий хат, йўриқномалар ва тавсияномаларни чуқур ўзлаштирилишини ташкил қилиш, пенсия ва нафақа тайинлаш масаласида фуқароларни раҳбар топшириғи билан амалдаги тартиб асосида қабул қилиш, оммавий қайта ҳисоблаш вақтида пенсия ва ижтимоий нафақа ишларини тўғри қайта ҳисобланишини назорат қилиш, юқори органлардан келган қарор ва буйруқлар ижросини ҳамда қуйи органлардан келган бўлимга оид ҳужжатлар ижросини таьминлаш, бўлимдаги бош мутахассис фаолиятини назорат қилиш ва унга амалий ёрдам кўрсатиш;

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимлари томонидан пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ишларини таҳлил

қилиш, пенсия ва ижтимой нафақаларнинг тўғри тайинланиши ва расмийлаштирилишини туманлар кесимида назоратга олиш, имтиёзли пенсия тайинлаш учун тақдим этилган хужжатларни таҳлил қилиш ҳамда уларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилганлиги ва асосли эканлигини белгиланган тартибда текшириш, пенсия ишлари тўғри ёки нотўғри тайинланганлиги ҳақида хулоса расмийлаштириш, имтиёзли пенсия ва нафақа тайинлаш хулосасини рўйхатга олиш журналини белгиланган тартибда юритиш;

Шунингдек, бўлимга оид аниқланган қоида бузилишларни бартараф этиш ва келгусида такрорланмаслик чораларини кўриш, пенсия тизимига оид амалдаги қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар юзасидан тарғиб этиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг далат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиш муносабати билан ахоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб борилишини ташкил этиш, бўлим иш тақсимотига мувофиқ ўзига юклатилган қўшимча бошқа вазифаларни ҳам амалдаги қонун ва қонун ости хужжатларига асосан бажариш.

**Маблағларни бошқариш ва пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги бўлими ишлари бўлими**:

*Маблағларни бошқариш ва пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги бўлими ишлари бўлими бошлиғи ва бош мутахассиси* - Бўлим ишини амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан юритилишини таъминлаш, бўлим иш режасини тузиш ва ижросини таъминлаш, бўлим мутахассиси томонидан қонунчиликка асосан услубий хат, йўриқномалар ва тавсияномаларни чуқур ўзлаштирилишини ташкил қилиш, пенсия ва нафақаларни тўлаш масаласида фуқароларни раҳбар топшириғи билан амалдаги тартиб асосида қабул қилиш, ҳудудлар кесимида маблағларга бўлган талабни аниқлаш, ушбу жараёнда йўл қўйилган хато, камчилик ва қонунчилик талаблари бузилган холатларни таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш ва такрорланишини олдини олиш бўйича тавсиялар, чора-тадбирлар

ишлаб чиқиш, бўлимга оид фуқароларнинг хат ва аризаларига, шунингдек бошқа ташкилотлар сўров ва мурожаатларига жавоб тайёрлаш, уларнинг келиб чиқишини таҳлил қилиш ҳамда тегишли маьлумотнома ёки тушунтиришлар тайёрлаш;

Алоқа корхоналари билан биргаликда пенсия ва ижтимоий нафақа тўловларини мониторингини ташкил қилиш ва таҳлилларини олиб бориш, давлат пенсия таъминотини ташкил қилишнинг янги замонавий услубларини ўрганиш ва уларни тадбиқ қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш, пенсия ва ижтимоий нафақа тўловлари учун зарур бўлган маблағлар ҳисоботини олиб бориш, пенсия ва нафақа таъминотини ташкил қилишда ва бошқа масалаларда компъютер техникаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

Бундан ташқари, бўлимга оид аниқланган қоида бузилишларни бартараф этиш ва келгусида такрорланмаслик чораларини кўриш, пенсия тизимига оид амалдаги қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар юзасидан тарғиб этиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш, туман (шаҳар) бўлимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 24.08.2001 йилдаги 351-сонли ҳамда 21.04.2006 йилдаги 67-сонли қарорлари ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботлар олиш, бўлим иш тақсимотига мувофиқ ўзига юклатилган қўшимча бошқа вазифаларни ҳам амалдаги қонун ва қонун ости хужжатларига асосан бажариш.

➡ **Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар бўлими:**

*Бош ҳисобчи ва бош мутахассис* - Бўлим ишини амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан юритилишини таъминлаш, бўлим иш режасини тузиш ва ижросини таъминлаш, бўлим мутахассиси томонидан қонунчиликка асосан услубий хат, йўриқномалар ва тавсияномаларни чуқур ўзлаштирилишини ташкил қилиш, бошқарма ва унинг қуйи бўлимларида молия-хўжалик ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритишни ташкил этиш ишларини бошқариш, бошқармада пулга оид хужжатларга иккинчи имзо қўйиш, пул маблағлари ва моддий бойликларнинг мақсадли сарфланиши,

харажатлар сметасини бажарилиши, молиявий ва меҳнат ресурсларидан иқтисод билан фойдаланишни таъминлаш;

Бошқарманинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини амалдаги Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий хужжатларига амал қилган ҳолда юритилишини таъминлаш, молиявий ва кредит операцияларини бухгалтерия китобларига ўз вақтида қайд этиб бориш, уларнинг қонунийлиги, ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилганлигини, бюджетга мажбурий тўловларнинг тўланиши ва ўтказиб берилишини ташкиллаштириш, ҳисоб-китоб ва тўлов мажбуриятларининг бажарилиши, меҳнатга хақ тўлаш жамғармасининг сарфланиши, ходимларга лавозим иш хақларини белгиланишини ташкил этиш;

Бош китобни юритиш, тўлов топшириқномалари, ҳисоб-китоб хужжатлари ва тўлов рўйхатларини тайёрлаб имзолаш учун тақдим этилишини, бирламчи хужжатлар ва бухгалтерия ёзувлари асосида ҳисоботларни тайёрланишини ва тегишли ташкилотларга тақдим этилишини, статистик ва бошқа ҳисоботларнинг асослилигини ва ўз вақтида тайёрланишини, бўлимга тегишли фуқароларни пенсия ва ижтимоий нафақа тўлашга ва бошқа масалага оид аризалари ва хатларига жавоб берилишини, Молия вазирлиги, Жамғарма Ижро этувчи аппарати, бошқарма бошлиғи қарор ва буйруқларининг бўлимга оид масалалари юзазидан ижросини таъминлаш;

Шунингдек, белгиланган муддатда тасдиқланган шаклдаги ҳисоботларни ҳудудий бўлимлардан қабул қилиш, бўлимга оид аниқланган қоида бузилишларни бартараф этиш ва келгусида такрорланмаслик чораларини кўриш, бошқарма бошлиғи томонидан иш зарурияти туфайли берилган бошқа топшириқларни ҳам қонунчилик талабларига асосан ташкиллаштириш ва амалга оширилишини назорат қилиш, бўлим иш тақсимотига мувофиқ ўзига юклатилган қўшимча бошқа вазифаларни ҳам амалдаги қонун ва қонун ости хужжатларига асосан бажариш.

**➡ Информациялашган-таҳлилий ишлар ва статистика сектори:**

*Статистика сектори бошлиғи ва бош мутахассиси* - Сектор ишини амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан юритилишини таъминлаш, бўлим иш режасини тузиш ва ижросини таъминлаш, қонунчиликка асосан услубий хат, йўриқномалар ва тавсияномаларни чуқур ўзлаштирилишини ташкил қилиш, пенсионерлар сони ва пенсия миқдорлари тўғрисидаги статистик ҳисобот, пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони ўзгариши, пенсия олувчилар ва ишловчи пенсионерлар сони тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисоботларни ҳудудлар кесимида қабул қилиш, уларни тахлил қилиш ва тўғри тузилишини назорат қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти бўйича норматив-ҳуқуқий хужжатлари юзасидан тушунтириш ишларини ташкил этиш ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари ўрганиш баёнлари ва барча ўтказиладиган йиғилиш баёнларини расмийлаштириш;

Бошқарма бошлиғи топшириғига асосан бошқа турдаги ҳисоботларни қабул қилиш ва таҳлилини бошқарма бошлиғига тақдим этиш, секторга оид аниқланган қоида бузилишларни бартараф этиш ва келгусида такрорланмаслик чораларини кўриш, пенсия тизимига оид амалдаги қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар юзасидан тарғиб этиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш, бошқарма бошлиғи томонидан иш зарурияти туфайли берилган бошқа топшириқларни ҳам қонунчилик талабларига асосан ташкиллаштириш ва амалга оширилишини доимий равишда назорат қилиш, сектор иш тақсимотига мувофиқ ўзига юклатилган қўшимча бошқа вазифаларни ҳам амалдаги қонун ва қонун ости хужжатларига асосан бажариш.

**➡ Ходимлар хизмати бўлими:**

*Ходимлар хизмати бўйича бош мутахассиси* - ўз ишини амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан юритилишини таъминлаш, йиллик иш режасини тузиш ва ижросини таъминлаш, туман (шаҳар) бўлимлари юридик маслаҳатчилари томонидан ходимлар масалалари бўйича меъёрий хужжатлар, услубий хатлар ва йўриқномаларни ўзлаштирилишини ташкил

қилиш, бошқармада вакант штатларга иқтисодиёт ва ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича олий маълумотли фуқароларнинг аризаларини белгиланган тартибда қабул қилиш ва иш берувчига киритиш, ишга қабул қилинаётган ходимларнинг хужжатларини белгиланган тартибда тўлиқ қабул қилиб олиш, ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштириш, ишга қабул қилиш бўйича ва ходимлар фаолиятига боғлиқ бошқа буйруқ лойиҳаларини имзолаш учун раҳбариятга тайёрлаш;

Бошқарма ва унинг қуйи бўлимларидаги ходимларнинг малакаси ва савиясини аниқлаш ва тегишли ходимларнинг лавозимларини ўзгартириш бўйича бошқарма бошлиғига таклифлар киритсин, белгиланган тартибда ходимлар таркибига оид ҳисоботларни тайёрлаш ва юқори органга тақдим этиб борсин, бошқарма бошлиғи кўрсатмаси асосида қуйи бўлим ходимларининг ички мехнат тартиби қоидаларига амал қилишини ўрганиб таҳлилини қилсин, кадрлар сиёсатини бошқарма бошлиғига бўйсунган ҳолда олиб бориш;

Бўлимга оид аниқланган қоида бузилишларни бартараф этиш ва келгусида такрорланмаслик чораларини кўриш, бошқарма бошлиғи томонидан иш зарурияти туфайли берилган бошқа топшириқларни ҳам қонунчилик талабларига асосан ташкиллаштириш ва амалга ошириш, зарурат пайдо бўлганда ўзига юклатилган қўшимча бошқа вазифаларни ҳам амалдаги қонун ва қонун ости хужжатларига асосан бажариш;

*Бош юридик маслаҳатчи* - Бошқарма иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари, Молия вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ижро этувчи аппарати қарорлари, буйруқ ва фармойишлари ҳамда бошқа амалдаги қонуности хужжатларига асосланган ҳолда режалаштиришни ташкил қилиш;

Ўз ишини амалдаги қонун ва меъёрий хужжатларга асосан юритилишини таъминлаш, йиллик иш режасини тузиш ва ижросини таъминлаш, туман (шаҳар) бўлимлари юридик маслаҳатчилари томонидан

қонунчиликка асосан меъёрий хужжатлар, услубий хатлар ва йўриқномаларни чуқур ўзлаштирилишини ташкил қилиш, фуқароларга, корхона ва ташкилотларнинг вакилларига пенсия ва ижтимой нафақаларни тайинлаш ва тўлаш масалаларида маслаҳатлар бериш, бошқарма ва унинг қуйи бўлимлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш ишларини ташкил этиш;

Бошқарманинг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ҳамда белгиланган тартибда суд мажлисларида қатнашиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, турли хато ва қонунбузилиш ҳолатларини олдини олиш бўйича ҳуқуқий мазмунга эга бўлган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш, бошқарма бошлиғига тақдим қилинадиган буйруқлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳамда улар бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўйиш, шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб бориш, тартиб бузилганда, суистеъмолчиликка йўл қўйилганда, моддий бойликларни ҳисобдан чиқариш, ҳужжатларни инвентаризация қилиш ҳамда тафтиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулосалар бериш, иқтисодий-ҳуқуқий ўқишлар ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;

Ходимларга амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатлар хақида маълумотлар бериб бориш ва уларни қўллаш амалиётини тушунтириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажарилишини таъминлаш, бошқарма ходимлари томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини назорат қилиш, фуқароларнинг ёзма ариза, хат ва шикоятларига жавоб тайёрлаш, бошқарма бошлиғи томонидан иш заруряти туфайли берилган бошқа топшириқларни ҳам қонунчилик талабларига асосан амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 24.08.2007 йилдаги 182-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат

ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисида»ги Низомга асосан бевосита бошқарма бошлиғига бўйсунган ҳолда иш юритиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона вилоят бошқармасининг расмий веб порталига ташриф буюриш учун браузернинг манзил майдонига [www.ferpf.uz](http://www.ferpf.uz) деб ёзиш ҳамда «Enter» тугмасини босиш кифоя. Порталнинг таркиби қуйидагича: порталнинг юқори қисмига Пенсия жамғармасининг рамзи сифатида ўзига хос фотосуръат жойлаштирилган бўлиб, у бевосита бош саҳифага боғланган. Фотосуръатдан кейинги навбатда порталнинг асосий ташкил этувчи менюлар қатори жойлаштирилган бўлиб ҳар бир меню ички кичик менюлардан таркиб топган. Ўз навбатида ушбу кичик менюларнинг баъзилари ҳам бўлимлардан ташкил топган.




Порталнинг ўнг ва чап қисмларида мос равишда Пенсия жамғармаси соҳасига доир маълумотлар, қонун ва қарорлар, ҳар хил турдаги фойдали иловалар жойлашган.




Маълумотларнинг батафсил қисми менюлар ёки бўлимлар актив ҳолатга ўтгандан сўнг порталнинг марказида акс этади.




***Асосий менюлар ҳақида.*** Асосий менюлар қатори таркиби бош ҳарфларда ёзилган бўлиб, қуйидаги менюлардан ташкил топган:

- BOSH SAHIFA
- JAMG'ARMA HAQIDA
- PRESS-MARKAZ
- PENSIONERLARGA

➢ BO’LAJAK PENSIONERLARGA

➢ INTERAKTIV XIZMATLAR

Ушбу менюларнинг таркиби ўз навбатида қуйидагича кўринишда:




Ушбу тасвирда кўриниб турганидек асосий менюлар фойдаланувчиларга жуда ҳам қулай тарзда жойлаштирилган ва энг асосий тушунчалар билан бойитилган. Ташкилотга оид барча тегишли маълумотлар «Jamg’arma haqida» бандида акс эттирилган.




Нашриётга оид маълумотлар, архив маълумотлари фото ва видеогалерия бандлари порталнинг «Press-markaz» асосий менюсида келтириб ўтилган.




Порталнни ташкил этишнинг асосий омиллардан бири бўлган ҳамда жамиятимизнинг пенсия ва нафақалар олувчи кекса-нуроний қатлами учун ҳам порталда алоҳида «Pensionerlarga» менюси яратилган бўлиб, ушбу менюда пенсия тайинланиш босқичидан то пенсионерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларигача тўлиқ тарзда маълумот берилган.




Бундан ташқари бундай имконият бўлажак пенсионерларга ҳам инъом этилган. Яъни порталда «Bo'lajak pensionerlarga» номли меню яратилган бўлиб, у ерда пенсия ёшига етган ёки бошқа турдаги пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга тегишли барча маълумотлар низомлар ва меёрий-ҳуқуқий хужжатлар асосида кўрсатиб ўтилган.




Ҳозирги кунда фуқароларга деярли барча давлат корхона ва ташкилотларининг веб-портали орқали интерактив хизматлар кўрсатишга эътибор кундан кунга - кунга кучаймоқда. Шу сабабдан Пенсия жамғармасининг веб-порталида ҳам интерактив хизматларга алоҳида «Interaktiv xizmatlar» номли меню яратилган бўлиб, ушбу меню таркибида мурожаат юборишдан ташқари тизимнинг барча ишчи-ходимлари учун кўпфункцияли ва кўпимкониятли «PFForum» номли ижтимоий интерактив хизмати ҳам яратилган.




Фуқароларнинг мурожаатларини юборишнинг иккинчи мукаммал усули ҳам порталда мавжуд. Яъни порталнинг ўнг қисмида «ягона ойна» тамойилига асосланган «Ягона интерактив давлат хизматлари портали» га тасвирий цилка мавжуд бўлиб, ушбу тасвирдан бевосита порталга ташриф буюриш ҳамда тегишли ташкилотга мурожаат жўнатиш имконияти мавжуд.

Порталнинг «INTERAKTIV XIZMATLAR» менюсидаги «Murojaatni yuborish» бандидан, фойдаланувчилар ёки пенсионерлар, ўзларини қизиқтирган пенсия ва нафақаларга доир саволлар, таклифлар, шикоятлар каби барча турдаги мурожаатлар турини тегишли шахс(порталга маъсул администратор)га юбориш имкониятига эга бўладилар.

Мазкур имкониятлардан ташқари порталнинг юқорида келтирилган асосий менюсининг «PFForum» кўпфункцияли ва кўпфойдаланувчили ижтимоий интерактив хизмат ҳам жойлашган бўлиб, мазкур хизматдан фақатгина тизимда фаолият юритувчи ходимларгина фойдаланиш имкониятига эга.

**Порталнинг иқтисодий кўрсаткичлари.** Замон талабларига тўлақонли жавоб берадиган корхона - ташкилотларга, кўпфункцияли, кўпимкониятли веб-саҳифа яратиш ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади. Чунки ҳозирги вақтда замон - деярли барча давлат ташкилотларининг веб-порталидан қуйидаги талабларга жавоб беришини кўрсатаяпти:

- Биринчидан, сайтдан фойдаланиш жараёни осон бўлиши учун асосий ва қўшимча менюларни фойдаланувчига қулай тарзда жойлаштирилиши, сайтнинг кўриниши яъни дизайни сиёсий кўринишга эга бўлиши зарурлиги;
- Иккинчидан, фойдаланувчи ўзининг турли мурожаатларини мазкур ташкилотдан ташқари бошқа ташкилотларга интернет орқали юбориши учун, сайтда албатта «Ягона интерактив давлат хизматлари портали»га ўтиш имконияти мавжуд бўлиши лозимлиги;
- Учинчидан, порталда ташкилотнинг статистик кўрсаткичлари бўлиши зарурлиги;

- Тўртинчидан, янгиликлар бандини мавжуд бўлиши ҳамда доимий равишда сўнги ҳабарлар билан янгиланиб бориш лозимлиги;
- Бешинчидан, киритилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигини таъминлаш.

Ҳозирда Ўзбекистонда ушбу талаблар асосида яратилган давлат порталлари кўпчиликни ташкил этади, бироқ вилоят миқёсидаги корхона-ташкилотларнинг деярли 39%да(ушбу кўрсаткич Фарғона вилоят ҳогимлигининг ахборот таҳлили бўлимидан олинди) ҳалигача веб - саҳифа мавжуд эмас. Бундан ташқари мавжудлари ҳам юқоридаги талабларга тўлақонли жавоб бермайди. Энг ачинарлиси шуки, каттагина маблағ эвазига яратилган порталларнинг, тегишли шахслар(сайтга маъсуллар) томонидан доимий равишда янгиланиб боришлигини амалга оширилмаётганлигидир. Мазкур диссертация юқорида келтириб ўтилган талабларга тўла жавоб берган ҳолда яратилган бўлиб, порталнинг барча турдаги маълумотлари Пенсия жамғармасининг раҳбарлиги асосида янгиланиб борилади.

## 2.3-& Форум тушунчаси ва уларда интерактив тартибдаги мулоқотлар олиб бориш.

*Форум тушунчаси.* Одатда глобал интернет тармоғида форумлар веб-сайт кўринишида бўлади ва веб - форум деб аталади. Веб-форум - веб-сайт ташриф буюрувчиларининг ўзаро мулоқотини ташкил этиш учун мўлжалланган веб сайт саҳифалари ва ускуналари мажмуи ҳисобланади. Қисқача айтганда, форум бу веб - сайтнинг ташриф буюрувчилари мулоқот ўрнатадиган майдончасидир. Бунда ихтиёрий фойдаланувчи форум веб сайтига ташриф буюриб, ўзини қизиқтирган мавзуни ўртага ташлаши ва веб-сайтнинг бошқа ташриф буюрувчилари билан муҳокама қилишлари мумкин.

Форум мулоқотнинг яна бир оддий тури бўлиб, бу мулоқотда ихтиёрий вақтда ихтиёрий жойдан қатнашиш ҳам мумкин. Бунда бирор бир мавзу танланади ва у муҳокамага қўйилади. Қатнашувчилар музокара билан танишиб ўз фикрларини жўнатишлари мумкин. Бу усулда сиз муҳокамада қатнашаётганларни кўрмайсиз, фақатгина уларнинг фикрлари билан танишиб чиқишингиз мумкин. Форумда турли - туман мавзулар муҳокама қилинади. Бунда сиз бирор мавзуни танлаб, уларнинг муҳокамасида иштирок этишингиз мумкин.

*Миллий ва халқаро интернет форумлари.* Интернет форумлари алоҳида йўналишларга ихтисослашган ёки умумий бўлиши мумкин. Ихтисослашган Интернет форумларга медицина, дастурлаш технологиялари, дизайн ва мода, компьютер ўйинлари ва транспорт воситаларига бағишланган форумлар мисол бўлади. Ихтисослашган форумларда фақатгина мўлжалланган соҳага оид мавзулар муҳокама қилинади, умумий форумларда эса ихтиёрий мавзуни ўртага ташлаш мумкин.

Ҳалқаро форумлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- *Medicinform.Ru* форуми - ушбу форум орқали тиббиёт соҳасига ихтисослашган бўлиб, касалликлар ва уларни даволаш, дори воситалар ва уларни тўғри қўллаш ҳамда тиббиёт бўйича юридик маслаҳат олиш мумкин.

- *Progz.ru* форуми - ушбу форум дастурлаш технологияларидан фойдаланиш, компьютер дастурий воситаларини ишлаб чиқиш ва дастурлаш билан боғлиқ юзага келган муаммоларни муҳокама қилишга мўлжалланган.

- *Avtomobili.by* форуми - ушбу форум автомобил ишқибозлари форуми бўлиб, унда автомобиллар брендлари, маркалари ва турлари ҳамда уларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш мумкин.

- *Stopforum.ru* форуми – бу компьютер ўйинлари форумидир. Бунда ўйинларнинг турлари, уларни ўйнаш сирлари ва юзага келган муаммолар муҳокама қилинади.

- *WildDesign.ru* форуми – бу форумда дизайн, мода ва тасвирий санъат ихлосмандлари ва ижодкорлари фикр алмашишади. Бундан ташқари ижодкорлар асарларидан бахраманд бўлиш мумкин.

*Uforum.uz - миллий форуми.* Uforum.uz – миллий форум ҳисобланиб, бунда Республикамизнинг ахборот технологиялари, таълим, маданият, молия, соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамда давлат сектори ва электрон ҳукумат тузилмасида рўй бераётган масалалар муҳокамасини ўз ичига олади. Қуйидаги расмда миллий форумнинг таълим соҳасига оид мавзулари тасвирланган.



5-расм.Uforum.uz миллий форумининг умумий кўриниши.

*Форумларда иштирок этиш тартиби:*

– форумдан рўйхатдан ўтиш. Форум қоидаларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш шарт;

– форумдан рўйхатдан ўтишда расмий шахслар логин учун ўзларининг хақиқий маълумотларини Исм Шарифи, шунингдек иш жойи ва лавозим хам мажбурий шартларга киради;

– маълумотларни киритиш билан бирга фойдаланувчи профил учун аватар сифатида сурат хам тақдим этиши лозим;

– маълумотларини ошкор қилишни истамаган фойдаланувчилар эса ўзлари маъқул деб топган никларни танлашлари мумкин;

– цензурага оид сўзлашув, хақорат, флейм, оффтоп, спам ва реклама таъқиқланади;

– инсонлар шахсиятига тегадиган, Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси ва қонунларига зид муҳокамалар, ресурсларга ишоратлар, файллар ва тасвирлар нашр қилиш таъқиқланади;

– Ўзбекистон Руспубликаси қонунларига мувофиқ тарзда фаолият олиб бормайдиган сайтларга ишорат жойлаш ёки шундай маълумотларга эга бўлган сайтлардан маълумот жойлаш таъқиқланади.

*Блоглар ва вики – сайтдаги материалга изоҳ бериш ва маълумот қолдириш.*

Блог - бу таркиби матн, тасвир ва мультимедиа маълумотларидан иборат бўлган доимий равишда қўшилиб туриладиган маълумотлар ёки изоҳлардан иборат бўлган сайт. Блоглар одатда у ёки бу материал веб саҳифаси таркибида мавжуд бўлиб, материалга берилган изоҳларни ўзида мужассамлайди.

Вики – бу сайтнинг ўзи томонидан тақдим этиладиган ускуналар ёрдамида унинг тузилмасини ва таркибини фойдаланувчилар ўзгартира олиш имконига эга бўлган веб сайт.

*Чат тушунчаси. Интернетда чатдан фойдаланиш ва мулоқот қилиш.* Чат деганда реал вақт тизимида Интернет тармоғи орқали хабарларни тезкор алмашиш воситалари ва ушбу мулоқотни таъминлаб берувчи дастурий таъминот тушунилади. Форумларга нисбатан чат тизимида мулоқот қилиш ва хабарлар алмашиш реал вақт тизимида содир бўлади.

Чат - бу бир вақтнинг ўзида бир неча фойдаланувчининг Интернет орқали мулоқотидир. Бунда фойдаланувчилар одатда матн ёзишиш орқали янгиликлар билан алмашишади, ёки бирор мавзуни муҳокама қилишади, ёки гаплашишади. Чат тизимида барча фойдаланувчилар ўзаро ёзув кўринишидаги хабарларни алмашиш орқали мулоқот қилади.

*Интернет орқали сўзлашув.* Интернет орқали ўзаро мулоқот деганда икки ёки ундан ортиқ фойдаланувчиларнинг бир вақтни ўзида, бир-бирлари билан интернет тармоғи орқали алоқа ўрнатилиши тушунилади. Бундай мулоқот жараёнида фойдаланувчиларнинг жойлашув ўрни аҳамиятга эга эмас, яъни фойдаланувчилар қаерда бўлишларидан қатъий назар Интернет тармоғи орқали мулоқот ўрната оладилар. Бундай сўзлашувларни амалга

ошириш учун махсус дастурлар бўлиши талаб қилинади. Бундай дастурларга Скайп, Мейл Агент, Google Talk, ICQ дастурлари киради.

Интернет орқали сўзлашув жараёнида микрофон ва эшитиш қурилмасини компьютерга улаб келтирилган дастурлар ёрдамида фойдаланувчилар сўзлашиб мулоқот қилишлари мумкин. Бунда Интернет орқали мулоқот жараёни фойналанувчига тезкорлиги, арзонлиги хамда сифатлилиги билан қулайликлар яратиб беради.

*Интернет орқали видео мулоқот.* Интернет орқали видео мулоқот деганда фойдаланувчилар бир бирларини компьютер экранида (он-лайн тарзда) кўриб турадилар, яъни фойдаланувчиларнинг ҳаракатли тасвирлари бир-бирларига узатилади. Бу видео алоқани амалга ошириб берувчи қурилма веб камера деб номланади. Интернет орқали видео мулоқот жараёнида мулоқотда қатнашаётган барча фойдаланувчилар бир бирининг гапини эшитибгина қолмай, балки бир-бирларини кўриб ҳам туришади.

*Веб камера ва унинг аҳамияти.* Веб камера алоҳида қурилма бўлиб, у компьютер воситасига уланади ва Интернет тармоғи орқали мулоқотларда ишлатилади.

Веб камерадан фойдаланиш ва у орқали мулоқот қилиш учун Интернет тармоғи уланган бўлиши ҳамда ҳар бир фойдаланувчи компьютерида веб камера қурилмаси ўрнатилган бўлиши шарт.



Веб камера фойдаланувчиларга жуда ҳам кўп қулайликларни яратиб беради, яъни суҳбат жараёнида фойдаланувчилар қаерда жойлашганлигидан қатъий назар бир-бирларини кўриб турадилар. Интернет тармоғи орқали видео мулоқотлар Скайп, Мейл Агент, Google Talk, ICQ дастурлари орқали амалга оширилади.

*Скайп, Мейл Агент, Google Talk, ICQ дастурлари ва улар орқали мулоқот ўрнатиш.*

*Скайп дастури.* Скайп - бу Интернет орқали компьютерлараро сўзлашув алоқасини таъминлаб берувчи тизимдир. Скайп тизими Интернет орқали мобил ва уй телефонларига қўнғироқ қилиш пуллик хизматларини хам кўрсатади. Бундан ташқари скайп тизими ёрдамида чат сифатида матн хабарларини юбориш, видеоқўнғироқларни амалга ошириш ҳамда конференцалоқани ҳам амалга ошириш мумкин. Видео қўнғироқларни амалга оширишда веб камерадан фойдаланилади.

*Мейл Агент дастури.* Mail.Ru Агент - Mail.Ru компанияси томонидан ишлаб чиқилган, Интернет орқали тезкор хабарларни алмашиш дастури. Mail.Ru дастури тезкор хабарларни алмашишдан ташқари, Интернет орқали телефон қурилмалари ёрдамида сўзлашиш, видеоқўнғироқларни амалга ошириш, текин SMS харабларни жўнатиш ҳамда электрон почтангизга келиб тушган хатлар тўғрисида огоҳлантириш имкониятларини ҳам тақдим этади.

*Google Talk дастури.* Google Talk дастури Google компанияси томнидан ишлаб чиқилган тезкор реал вақт тизимида хабарларни алмашиш дастури ҳисобланади. Google Talk дастури матн кўринишидаги хабарларни алмашиш, ва товушли сўзлашиш имкониятини тақдим этади. Бундан ташқари Google Talk дастури Gmail электрон почта тизимининг хизматчи дастури бўлиб почта қутисини бошқариш вазифасини ҳам бажаради. Google Talk дастуридан фойдаланиш учун албатта Gmail тизимиди электрон почта қутисига эга бўлиш керак.

*ICQ* - ҳозирги кунда энг оммабоп бўлган интернет мулоқот дастури ҳисобланади. Бу дастурнинг фойдаланувчилар сони 38 млн. дан ошиб кетган. Бу дастурда хар бир фойдаланувчи шахсий рақамига эга бўлади. Қидирувни амалга оширадиган вақтда ҳам ICQ рақамидан фойдаланилади. Фойдаланувчилар Интернетга уланган компьютерда ушбу дастурни ишга туширади, шундан сўнг дастур автоматик равишда ICQ хизмати сервери

билан боғланади. Боғланиш амалга оширилгандан сўнг хабарлар алмашиш мумкин.

*Твиттер оммавий ахборотларни жўнатиш тизими, ундан тўғри фойдаланиш.* Интернет тармоғида Блог деган тушунча кўп учрайди. Бу блогда ҳар бир фойдаланувчи ўз фикрини қолдириши ва шу фикрига таҳлилларни олиши мумкин. Твиттер фикр алмашиш учун мўлжалланган кичкина блог ҳисобланади. Кичкина блог дейилишига сабаб белгилар сони 140 тани ташкил этади, яъни сиз 140 тадан ортиқ белгини кирита олмайсиз. Шундан қилиб Твиттер ахборотларни жўнатиш тизими веб сайт орқали матн хабарларни, СМС хабарларни, табрикларни, миннатдорчиликларни ҳамда шунга ўхшаш турли маълумотларни жўнатиш мумкин. Шуни унутманг - сиз жўнатган хабар ёки маълумот барчага Интернет орқали кўринади ва имконли бўлади. Шунинг учун, хабарларни ёзишда ва жўнатишда ахборотлардан фойдаланиш ва ишлаш маданияти қоидаларига риоя қилинг.

*Интернет орқали мулоқот қилиш ва изоҳ қолдириш маданияти.* Ахборот сайтлари томонидан таклиф қилинаётган ёки ушбу ахборот сайтидан фойдаланишингиз оқибатида пайдо бўлаётган барча шарҳлар, ўзаро алоқа, таклиф ва фикрлар ахборот сайтининг шахсий мулки ҳисобланади ва булардан ахборот сайти томонидан исталган ерда ва исталган мақсадда дунёнинг исталган ерида сизнинг рухсатингизсиз ҳам фойдаланиш мумкин. Шунинг учун сайтларда ўзингиз тўғрингиздаги маълумотларни киритишда ёки материалларга изоҳлар киритишда эҳтиёт бўлинг. Изоҳлар қолдиришда бировнинг нафсониятига тегадиган маълумотларни, ҳар хил ножўя сўзларни ёзишдан сақланинг. Ахборотдан фойдаланиш маданиятига риоя этинг.

## 3-БОБ. «PFFORUM» БЎЙИЧА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УСЛУБИЁТИ.

### 3.1-& «PFForum» ижтимоий интерактив хизмати хақида.

Бизга маълумки, барча турдаги «ижтимоий интерактив хизматлар» алоҳида веб-портал сифатида яратилади. Чунки улар жамият ҳаётининг барча субьектлари учун мўлжалланган бўлади. Интерактив хизматларни ташкил этишнинг энг тез ва яхши йўли, бу, уларни интернет тармоқлари орқали амалга ошириш ҳисобланади.

Аксарият, интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган ижтимоий интерактив хизмат турларида, ҳар хил турдаги, ҳар хил жинсдаги ёки ҳар хил сохадаги шахслардан гурухлар ташкил этиш имконияти мавжуд. Умумий интерактив хизмат порталларининг камчилиги ҳам айнан шунда. Яьни порталга рўйхатдан ўтган шахсга ҳеч қандай қонун қоида мавжуд эмас. У ўзининг музокарадош дўстларига ҳамда танишларига хохлаган турдаги маълумотни юбориш, ёки ўзининг профилдаги шахсий маълумотларини(анкетасини) хохишига кўра ўзи киритиши, ҳамда хохлаган фотосуръатни жойлаштириши мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган камчиликларни таҳлил қилган ҳолда мазкур диссертациянинг амалий қисмида Пенсия жамғармаси тизимида фаолият юритувчи ходимлар учун махсус «PFForum» номли ижтимоий интерактив хизмати яратилган бўлиб, ушбу форумни яратишдан асосий мақсад:

- Биринчидан, тизим ходимларини ишга бўлган қизиқишларини ошириш;
- Иккинчидан, барча соҳада ҳозирги кундаги энг муҳим кўмакдош бўлаётган замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- Учинчидан, иш жараёнида пенсия соҳасига оид саволлар бериш ва уларга жавоблар топиш орқали ходимларнинг соҳа бўйича малакаларини ошириш;

- Қайсидир маънода ташкилот порталига ташриф буюрувчилар сонини ошириш.

Мазкур ижтимоий хизматга ташриф буюриш учун порталнинг «INTERAKTIV XIZMATLAR» менюсидаги «PFForum» банди танланади.

Форумнинг умумий кўриниши қуйидагича:




Кўриниб турганидек форумда тизимнинг барча бўлимлари бўйича гурухлар яратилган. Ушбу гурухларнинг ташкил этувчилари(форум иштирокчилари) мазкур гурухларга форумга рўйхатдан ўтиш жараёнида аъзо бўладилар. Яъни рўйхатдан ўтишда форумнинг ўзи фойдаланувчидан, гурухлардан бирига аъзо бўлишлигини таклиф этади.

Шунингдек, фойдаланувчига, унга қабул қилинган янги маълумотлар(изоҳлар, изоҳларга жавоб, янги эълон қилинган муҳокамалар, муҳокамаларга билдирилган фикрлар, ҳабарлар, ҳабарларга берилган жавоблар ва х.к) бўйича асосий бош ойнада ҳам ҳабар бериш имкони мавжуд. Бунинг учун фақат фойдаланув ўзининг шахсий саҳифасидаги «Imtiyozlarni tahrirlash» бандидан ушбу имкониятларни ёқиб қўйиши зарур. Янги маълумотлар сариқ ранг остида акс этади.




Форум аъзосининг форумдаги шахсий саҳифаси куйидагича кўринишда:



Мазкур саҳифада фойдаланувчининг фотосуръати, шахсий маълумотлари ҳамда қўшимча 4 та бўлим яратилган бўлиб, улар «Shaxsiy aloqalar», «Barcha o’zgartirishlar va aloqalar», «Mening mavzularim» ҳамда «Fikrlarim»дан ташкил топган.




Бундан ташқари фойдаланувчи ўз шахсий маълумотлари ва имтиёзларини таҳрирлаш имконига эга.






Қўшимча имкониятларнинг сал қуйи қисмида фойдаланувчининг маълумотлари акс этади.




«Shaxsiy aloqalar» бўлимида, фойдаланувчининг умумий муҳокамаларидан ташқари, бошқа шахсий муҳокамалари жойлашган бўлади. Ушбу муҳокамалар умумий муҳокамалардан фарқли ўлароқ, фойдаланувчининг ўзи бирор мавзу бўйича янги мунозарани бошлаб, унга мунозара иштирокчиси сифатида иҳтиёрий фойдалаувчини қўшиш имконига эга. Шахсий мунозарани бошлаш учун форумнинг асосий менюлар сатридан «Habarlar» бандига кириш лозим.

«Habarlar» менюсига бириктирилган саҳифанинг умумий кўриниши қуйидагича:




Ушбу саҳифада фақатгина барча «Habarlar» саҳифасида эълон қилинган муҳокамалар ва унга билдирилган фикрлар ёки фикрлар тўплами ҳамда маълумотлар кўринади. Бошқа умумий турдаги фикрлар ва маълумотлар «Forumdagilar» саҳифасида жойлашган.




Фойдаланувчи шахсий кабинетнинг «Barcha shaxsiy o’zgarishlar va aloqalar» қисмида, фойдаланувчи томонидан умумий бўлимда(«Forumdagilar» саҳифасида)ги барча турдаги ўрнатилган алоқалари рўйҳати жойлашган.




Фойдаланувчи шахсий кабинетнинг «Mening mavzularim» қисмида, фойдаланувчи эълон қилган муҳокамалар рўйҳати ва унга билдирилган янги фикрлар сони, барча билдирилган фикрлар сони, эълон қилинган вақти ҳамда бўлим номи жойлашган бўлади.




«Fikrlarim» қисмида эса фойдаланувчи томонидан муҳокамаларга билдирилган барча фикрлар рўйхати жойлашган.




Форумнинг асосий менюлар сатридаги «Muhokamalar» саҳифасида барча эълон қилинган муҳокамалар рўйхати уларга билдирилган фикрлар сони, муҳокама мавзусига энг кўп фикр билдирган фойдаланувчилар рўйхати, мавзунинг эълон қилинга вақти ва бўлими жойлашган. Саҳифада эскирган ёки мавзуни эълон қилган фойдаланувчи етарлича маълумотга эга бўлгандан сўнг мавзу администраторга фойдаланувчи томонидан юборилган ариза ёки мурожаат асосида администратор томонидан ёпилади ёки айрим сабабларга кўра ёпилган мавзу қайта очилади.




Шунингдек, ушбу саҳифада ўта муҳим ва кўп фойдаланиладиган мавзудаги муҳокамаларни форумнинг ўнг қисмида тасвирлаш имкони мавжуд. Бунинг учун фойдаланувчи муҳокама мавзусида жойлашган

юлдузча белгисини ёқилган(актив) ҳолатга ўтказиб қўйиш лозим бўлади. Тасвирланган муҳокама форумнинг ўнг қисмида акс этади.




Бундай белги ҳар бир муҳокама мавзусида мавжуд.

Юлдузчанинг чап ёнида яна бир белги қўйиш учун қўшимча катакча мавжуд бўлиб, унга белги қўйиш орқали форумнинг пастки чап қисмида кичкина дарчада «O’chirish», «Muhokamani bo’lish/Muhokamani birlashtirish» ҳамда «Bekor qilish» каби қўшимча функциялар мажмуи яратилган.

- «O’chirish» - танланган муҳокамани ўчириш учун хизмат қилади;
- «Muhokamani bo’lish/Muhokamaga fikr bildirish» - танланган муҳокамадан мустақил равишда битта мавзуни(бирон йўналишни) ажратиб эълон қилиш ёки муҳокамага янги фикр қўшиш;
- «Bekor qilish» - имкониятларни рад этиш.



Бу ерда муҳокамага янги фикр билдириш жараёнида қуйидагича амалга оширилади:

«Muhokamaga fikr bildirish» тугмаси босилгандан сўнг қуйидаги дарча ҳосил бўлади ва бу ердан «Qo’shish» тугмаси босилади.







Кўриниб турганидек бу ерда матн киритиш ойнаси мавжуд бўлиб, ўз фикрини билдириш учун фойдаланувчига барча имконият мухайё. Хаттоки турли хил смайликлар жўнатиш имконияти ҳам мавжуд.




«PFForum» нинг бундан ташқари, форумга ташриф буюрувчилар учун яна бир неча имкониятлари мавжуд бўлиб, уларни иштирокчилар «PFForum» нинг янги фойдаланувчиларга катта ёрдам берувчи форум йўриқномасидан топишлари ва ўрганишлари мумкин.

***«PFForum» нинг янгилик ҳусусиятлари ва афзалликлари:***

- Интерактивлиги. Бундай ҳусусият форумнинг ўзида мужассам бўлиб, бунда у ўзининг кўп томонлама «тармоқ»ли алоқасини таминлайди.
- Профессионал ёндашув. Бунда у ҳар бир ходим ёки ходимлар гурухининг ўзларини шахсий қарашлари, фикрлари ва талабларини ҳисобга олиш имконини беради.
- Онийлик. Бу афзаллик шундайки, форумда маълумотларни узатиш тезлиги ниҳоятда катта бўлиши билан бир каторда, керакли маълумот(изоҳ, фикр...) узатилган жойга тез ва шу билан бир каторда сифатли етиб боради.
- Ўлчамлилик. Бу ходимларга у ёки бу ахборотни муҳимлик даражасини(калит сўзлар сифатида) тез ва қулай аниқлаб олишга имкон яратади.

- Ҳамфикрлилик. Бунда маълумот саҳифасини тез ва қулай равишда ҳар бир ташриф буюрувчи фикрини ҳисобга олган ҳолда янгилаб бориш имконияти тушунилади.

### 3.2-& Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ишга қабул қилинган янги ходимлар учун «PFForum» дан фойдаланиш йўриқномаси ва хизматдан тўғри ва самарали фойдаланишлари учун кўникмалар ҳосил қилиш услибиёти

Интерактив хизмат турли соҳа ходимларининг мушкулини осонлаштириш билан бир қаторда, иш самарадорлигини янада оширишида, халқимиз турмуш фаровонлиги ҳар қачонгидан ҳам ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу боис Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқармаси Фарғона вилояти ҳамда унинг шаҳар-туман бўлимларида ҳам янгича мезонлар асосида иш юритишга алоҳида эътибор билан қаралмоқда.

Бундан кўзланган эзгу мақсад, энг аввало, Пенсия ва нафақа олувчиларга сифатли, тезкор ва қулай хизмат кўрсатишни йўлга қўйишдан иборатдир. Шубҳасиз, бу борада Президентимизнинг 2002 йил июнидаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот - коммуникация технологияларини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Унда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга дадил татбиқ этиш ва улардан фойдаланиш тартиблари ўз ифодасини топган. Айни чоғда, Пенсия жамғармаси ва бошқа вазирликлар, идоралар ўртасидаги ҳамкорлик доирасида электрон ахборот алмашинувини ташкил этиш, пенсия ва нафақа олувчиларга интерактив хизматлар кўрсатиш вазифалари белгилаб берилган. Шу асосда жорий йил бошидан буён Пенсия жамғармаси бўлимларида яна 4 турдаги замонавий хизматлар йўлга қўйилди. Натижада уларнинг жами сони 12 тага етди. Шундан 10 таси ҳукуматимизнинг тегишли қарорларига мувофиқ, Базавий интерактив давлат хизматлари ресстрига киритилган. Қолаверса, айни кезларда 20 га яқин интерактив хизмат бевосита пенсия бўлимларининг ташаббуси билан кўрсатиб келинмоқда. Уларнинг сони ва сифатини янада ошириш учун қўмита томонидан интерактив давлат хизматлари реестри, регламентлари ҳамда ҳар бир хизмат тури бўйича масьул тузилмалар ва ходимлари таркиби тасдиқланган. Бундан ташқари, ҳар қайси хизмат бўйича

фойдаланиш йўриқномалари қайта ишлаб чиқилиб, янгиланган вариантлари расмий сайтга жойлаштирилмоқда.

Пенсия ва нафақа олувчиларни қўшимча қулайликлар билан таъминлаш мақсадида, яқин келажакда мобиль алоқадан фойдаланиш имконини берувчи иккита интерактив хизмат тури яратилиши кўзда тутилган ва улар воситасида Пенсия олувчиларнинг пенсия нархлари ҳақида SMS - ахборот олишлари мумкин бўлади.

Одатда молия тизимидаги барча коорпоратив ёки локал ҳолатда фойдаланиладиган дастурий мажмуалар ва электрон маълумот алмашинишни таъминлайдиган дастурларга киритилган ўзгаришлар бўйича, шу билан бирга янги жорий қилинаётган дастурий маҳсулотларнинг ҳам ундан фойдаланишни тез ва самарали ташкил қилиш мақсадида дастурларнинг йўриқномалари ишлаб чиқилади ва ходимларга тақдим этилади. Шу нуқтаи назардан, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона вилояти ва унинг ҳудудий бўлимларида ишга қабул қилинган янги ходимларини «PFForum» ижтимоий интерактив хизматидан тўғри ва самарали фойдаланишлари, фойдаланиш жараёнида муаммоларга дуч келмасилиги ҳамда форумдан фойдаланиш маданиятини яхши ўзлаштиришлари учун форумдан фойдаланиш йўриқномаси ишлаб чиқилган. Ушбу йўриқномада фойдаланувчининг форумга рўйхатдан ўтишидан бошлаб ўзининг шахсий саҳифасини ёпишгача бўлган тавсиялар берилган.

Шунингдек, йўриқноманинг ҳар бир поғонаси ўрганилаётган қисмнинг расмли тасвирлари асосида мукаммал тушунтириб ўтилган.

**Хулоса**

Барчамизга маълумки 2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» ги фармони қабул қилинди ва бу фармон юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди ҳамда 2002-2013 йилларда компютерлаштириш соҳасини ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқди ва тасдиқлади, дастурда телекоммуникациялар ва маълумотлар узатишни ривожлантириш, ахборот ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳар бир корхона ва ташкилотнинг глобал интернет тармоғида ўз порталларини яратишнинг мақсадли йўналишлари белгиланди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда мен, бугунги кунда очиқ кодли веб сайт яратиш тизими ҳисобланган «Drupal» тизимида веб-сайт яратиш босқичларини диссертация ишимни 1-бобида кўрсатиб ўтдим. «Drupal» тизимининг бошқа бир қатор CMS тизимларидан афзалликлари ва камчиликларини ҳам мазкур бобда тушунтириб ўтдим. 2-бобида эса Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фарғона вилоят бошқармаси веб-портали мисолида «Drupal» тизимида веб-сайт яратишни ҳамда PHP тилида ижтимоий интерактив хизмат турини яратишни кўрсатиб ўтдим. Ушбу диссертацияни икки йил давомида олган чуқур билимларим ва изланишларим асосида шу билан бирга юқори савиядаги устозларим кўмагида амалга оширдим. Диссертацияни яратишда CMS «Drupal» нинг 6.26 версиясидан ҳамда PHP нинг 5.2.0 версиясидан кен ва самарали фойдаландим.  Шунингдек, илмий ишимни яратиш жараёнида, изланиш обьектидаги электрон операциялар бўйича ва веб-дастурлаш соҳасида жуда кўп янги билимларни ўзлаштирдим ва улар асосида кўникмалар ҳосил қилдим. Ушбу тизим мен учун янги бўлганлиги сабабли айрим муаммоларга ҳам дуч келдим, бироқ веб дастурлаш жараёнида қандай тизимлардан фойдаланиш лозимлиги тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлдим. Веб дастурлаш давомида «Drupal» тизимини имконияти кенглигига

яна бир ишонч ҳосил қилдим ва келгусида унинг янги версияларини ўрганиб боришни олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Веб-саҳифа лойиҳаси устида ишлашнинг бошқа лойиҳалар билан умумий жиҳатлари кўп. Шу билан бирга унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни эътиборга олиш лозим. Асосий муаммо шундаки, одамлар веб-саҳифалар дизайнига бироз эмоционал ёндошишади. Мазкур муаммоларни ҳисобга олган ҳолда мен ташкилот портали устида ишлашда қўйидаги уч жиҳатга кўпроқ эътибор қаратдим:

- Стилистик ва орфографик хатолар ташриф буюрувчиларга салбий таъсир ўтказади ва кўп сонли графика элементларини жойлаштириш ҳам саҳифанинг секин очилишига сабаб бўлади. Бундан ташқари ҳали кенг тарқалиб улгурмаган ўта замонавий технологиялардан фойдаланиш ёки электрон хатлар ва ташриф буюрувчилар томонидан жўнатилган таклифларни ўчириб ташлаш потенциал мижозларга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу каби муаммоларнинг юзага келишига йўл қўймаслик учун мен веб-портални яратишда соддаликка кўпроқ эътибор бердим.

- Веб-саҳифани ташкилотнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, интернет провайдерининг веб-серверига унчалик катта бўлмаган маблағ ҳисобига жойлаштиришни ҳисобга олдим.

- Ташкилот-корхоналарнинг веб-саҳифасини яратишда ташкилот реквизитлари энг зарурий жиҳат ҳисобланади. Шунинг учун мен порталда ташкилот номи, адреси, электрон почта адреси, асосий телефон ва факс рақамларини кўрсатиб ўтдим.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. И.А.Каримов. «Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». «Шарқ» нашриёти. Тошкент - 1998 йил.

2. И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида». «Шарқ» нашриёти. Тошкент - 1997 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори. «Маърифат» газетаси. 2002-йил 8-июнь.

4. И.Шодмонов, Т.Жўраев «Интернетда дастурлаш» Маърузалар матни Фарғона-2008.

5. Ш.А.Назиров, Р.В.Қобулов. «Маълумотлар базаларини дастурлаш, чуқурлаштирилган курс». «Тошкент», 2006 й.

6. А.А.Абдуқодиров, А.Ҳ.Хайитов, Р.Р.Шодиев «Ахборот технологиялари», «Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент-2001 йил.

7. М.М.Арипов. «Информатика ва ахборот технологиялари». Тошкент, «Ўқитувчи», 2002 й.

8. Х.Рахимова, А.Аъзамов, Т.Турсунов. «Мехнатни муҳофаzа қилиш». «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент - 2003 йил.

9. Андре Жирар. «Руководство по технологии и тестированию систем WDM» - М.:ЕХФО, 2001 г.

10. Слепов Н.Н. «Современные технологии цифровых оптоволоконных сетей связи»-М.: Радио и связь, 2000 г.

11. Фриман Р. «Волоконно-оптические системы связи» Перевод с английского под ред. Н.Н. Слепова.-М.: Техносфера, 2003 г.

12. «Цифровые и аналоговые системы передачи»-Учебник для вузов/ В.И. Иванов, В.Н. Гордиенко, Г.Н. Попов и др.; Под ред. В.И. Иванова.- 2-е изд. - М.: Горячая линия - Телеком, 2003 г.

13. Оптические системы передачи: Учебник для вузов/Б.В. Скворсов, В.И. Иванов, В.В. Крухмалев и др.; Под ред. В.И. Иванов.-М.: Радио и связь, 1994.

14. Убайдуллаев Р.Р. Волоконно–оптические сети-М.: Еко– Трендз, 2000.

15. Василев В.Н. Волоконно–оптические световоды: учебное пособие.- Т.: ТУИТ, 2002 г.

16. Вишневетский А.Г. Телекоммуникационные системы передачи (часть вторая); конспект лекций.- Т.: ТУИТ, 2004 г.

17. А.А.Абдуқодиров, А.Ғ.Хайитов, Р.Р.Шодиев «Ахборот теҳнологиялари» « Ўқитувчи » нашриёти . Тошкент -2001 йил

18. А.Р.Мадраҳимов , С.И.Рахмонқулова
«Интернет ва ундан фойдаланиш асослари » .Тошкент -2001 йил

19. С.С.Ғуломов «Иқтисодий информатика» Тошкент -1999 йил

20. М.Арипов , А.Хайдаров « Информатика асослари »
Тошкент Ўқитувчи -2002 йил

21. А.Х.Маматқулов, В.Т.Хўжаев, Х.Зайниддинов «Интернетга кириш» «Хаёт» нашриёти, Андижон - 2001 йил.

22. Т.Н.Нишонов «Windows, Word ва Internet тизимларида ишлаш» «Академия » нашриёти Тошкент - 2002 йил

23. А.Қодиров «Иқтисодиёт назарияси»
Тошкент - 2002 йил

24. С.С. Ғуломов ва бошқ. «Иқтисодий информатика» Тошкент, «Ўзбекистон», 1999 йил

25. С.С. Ғуломов ва бошқ. Ахборот тизимлари ва технологиялари, Тошкент, «Ўзбекистон», 1999

26. Скотт Хокинс. Администрирование Web-сервера Apache и руководство по электронной коммерции. Издательство: Вильямс, 2001 г.

27. Д. Котеров Издательство: БХВ - Петербург, 2001 г.

28. Dreamweaver 4. Краткий курс Карпов Б., Жданов А. 2001 Питер
О. Қудратов. Т. Ғаниев «Хаёт фаолияти хавфсизлиги» Тошкент -Меҳнат 2004 йил.

29. CD Обучение Macromedia Dreamweaver 4 (JEW) 2002 Медиа 2000.
«Информатика ва ахборот технологиялари» Орипов. 2005 й.

30. С.С.Ғуломов, Р.Х.Алимов, Х.С.Лутфуллаев ва бошқалар. - «Ахборот тизимлари ва технологиялари», Олий ўқув юртлари учун дарслик,Т.: Шарқ, 2000 й.
31. А.Саттаров, Б.Курманбаев - Информатика ва Хисоблаш тизими асослари. Т.: Ўқитувчи. 1996, й.
32. В.Е.Фигурнов - IBM PC для пользователя. М.: ИНФРАМ.,1998,г
33. С.И.Рахмонқулова - IBM PC шахсий компьютерларида ишлаш, Т.:NMK, Шарқ,1996 й.
34. А.Р.Микляев - Настольная книга пользователя IBM PC, «Салон-3», М.: 2000 г.
35. И.Шапошников-Web сайт своими руками, СПБ.: БХВ – петербург, 2000 г.
36. Н.Культин-Програмирование в Turbo Pascal и Delphi,С.Петербург, 1999 г.
37. Н.Нажмиддинова, З.Худойбердиев - Иқтисодий қисм асослари, Ўқитувчи, 2000 й.
38. Х.Рахимова ва бошқалар - Меҳнатни мухофаза қилиш, Ўзбекистон, 2003й
39. В.Г. Олифер, Н.А. Олифер «Компьтерные сети. Принципы, технологии, протоколы» «Питер» 2001 г.
40. В.Г. Олифер, Н.А. Олифер «Сетовые операционные системы» «Питер» 2003 г.
41. Н. В. Макаровой «Информатика» М: 2000 г.
42. В. А. Острейковский «Информатика» высшая школа М: 2000 г.
43. Под редакции Н.В. Макаровой «Информатика практикум по технологии работы на компьтере» Финансы иерархия статистики 1997 г
44. Раковский, О. В. Гипертекстовые информационные технологии [Текст] : учеб. пособие / О. В. Раковский. - СПб : СПбГУТ, 1998. - 42 с. - (Госкомсвязи России. СПб ГУТ им. проф. М.А.Бонч-Бруевича). - 1 экз.
45. Обзор развития информационно-коммуникационных технологий в Узбекистане за 2006-2008г. [Текст] : сборник научных трудов / Координаторы; Абдуллаев Ш., Амиров Д. - Т. : ICTP, 2008. - 100 с. : ил. - (Узбекское агентство связи и информатизации. UNDP). - 2 экз.

46. Fan, ta'lim, madaniyat biznes sohalarida internet va kutubxona - a[borot resurslaridan foydalanish. [Text] = Интернет и библиотечно-информационные ресурсы в науке,культуре,образовании и бизнесе. : материалы конференции. - Т. : А. Навоий номидаги Узбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. - 348 с. - (Central Asia - 2008). - 2 экз. -
47. Библиотека информационной технологии [Текст] : сб. статей. Вып. 1 / Под ред. Г. Р. Громова. - М. : Наука, 1990. - 208 с. - 1 экз.
48. Расторгуев, С. П. Информационная война [Текст] : монография / С. П. Расторгуев. - М. : Радио и связь, 1998. - 416 с. - 1 экз.
49. Хашимов, Х. М. Лекции по дисциплине "Информационные технологии в управлении" [Текст] : курс лекций / Х. М. Хашимов. - Т. : ТЭИС, 2000. - 31 с. - (Узб. агентство почты и телекоммуникаций. ТЭИС). - 10 экз.
50. Shore, Barry Introduction to computer information systems [Text] : монография / Barry Shore. - New York : Holt, Rinehart and Winston, Inc., 1988. - 540 p. : ill. - 2 экз.
51. Information systems management in practice [Text] : монография / Ralph H. Sprague, Jr. and Barbara C. McNurlin. - Englewood Cliffs : Prentice-Hall, Inc., 1986. - 501 p. - 1 экз.
52. Кастельс, Мануэль. Информационная эпоха: экономика, общество и культура [Текст] : пер. с англ. / М. Кастельс. - М. : ГУ ВШЭ, 2000. - 608 с. - (Гос. ун-т. Высш. школа экономики). - 1 экз.
53. Автоматизированные информационные технологии в экономике [Текст] : учебник для вузов / М.И. Семенов, И.Т. Трубилин, В.И. Лойко, Т.П. Барановская. - М. : Финансы и статистика, 2001. - 413 с. - 1 экз. -
54. Ахборот технологиялари [Text] : акад. лицей ва касб-хунар коллеждари учун дарслик / А. А. Абдукодиров, А. Г. Хайитов, Р. Р. Шодиев. - Т. : Укитувчи, 2002. - 148 б. - (Уз. Р олий ва урта махсус таълим вазирлиги. Урта махсус, касб-хунар таълими маркази. Урта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш инс-ти). - 142-143 с. (43 назв.) . - 3 экз.

55. Информационные технологии [Текст] : путеводитель по новой экономике. - М. : Комменрсантъ XXI, 2002. - 320 с. - (Серия бизнес-справочников "Проверено. Коммерсантъ"). - 1 экз. - технологиялари / 2
56. Шафрин, Ю. Информационные технологии. В 2-х ч. [Текст] : учеб. пособие / Ю. Шафрин. - М. : БИНОМ. Лаборатория знаний, 2002 - Ч.1 : Основы информатики и информационных технологий. - 2002. - 320 с. - 1 экз.
57. Шафрин, Ю. Информационные технологии. В 2-х ч. [Текст] : учеб. пособие / Ю. Шафрин. - М. : БИНОМ. Лаборатория знаний, 2002 -Ч. 2 : Офисная технология и информационные системы. - 2002. - 336 с. - 1 экз.
58. Информационные технологии управления [Текст] : учеб. пособие / Под ред. Ю. М. Черкасова. - М. : ИНФРА-М, 2001. - 216 с. - (Высш. образование). - 1 экз.
59. Информационные технологии в маркетинге [Текст] = Information technologies in marketing : учебник для студ. вузов / Г. А. Титоренко, Г. Л. Макарова, Д. М. Дайитбегов и др. ; Под ред. проф. Г. А. Титоренко. - М. : ЮНИТИ-ДАНА, 2001. - 335 с. - 1 экз. - информацион технологиялари / 2
60. Информационные технологии управления [Текст] : учеб. пособие для вузов / Под ред. проф. Г. А. Титоренко. - М. : ЮНИТИ-ДАНА, 2002. - 280 с. - 1 экз.
61. Информационные технологии в статистике [Текст] : учебник для студ. вузов, оюучающихся по специальности "Статистика" / Под ред. проф. В. П. Божко и проф. А. В. Хорошилова. - М. : Финстатинформ, 2002. - 144 с. - 1 экз.
62. Козырев, А. А. Информационные технологии в экономике и управлении [Текст] : учебник / А. А. Козырев. - 2-е изд. - СПб : Изд-во Михайлова В.А., 2002. - 360 с. - Библиогр.: с. 348-356 (230 назв.). Предм. указат.: с. 357-358. - 1 экз.
Автоматизированные информационные системы [Текст] : монография / Н. А. Криницкий, Г. А. Миронов, Г. Д. Фролов ; Под ред. А. А. Дородницына . - М. : Наука, 1982. - 384 с. - (Спр. матем. б-ка). - 5 экз. -Свободны: АНЛ(5)

63. У.Э.Ғиёсов. MOODLE ПЛАТФОРМАСИ ТАРИХИ, ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ. “Телекоммуникация ва алоқа соҳасида замонавий ахборот технологиялар” номли республика илмий-услубий анжумани – ТАТУ. ТОШКЕНТ 2011

64. Ф.Мулайдинов. Кечаги орзулар бугун амалда. Хабар газетаси. 2011 й. 15 (969)-сон

65. www.ziyonet.uz

66. www.vrs.uz

67. www.oc.farpi.uz

68. www.mib-online.farpi.uz

69. www.php.ru

70. www.wikipedia.org

71. www.hlechanov.ru

72. www.freenet.uz

73. www.dialup.freenet.uz

**ИЛОВАЛАР**

❖ Ташкилотларда пул билан алоқадор бўлган операцияларнинг ҳисобини нафақат интернет орқали балки интерактив хизматлар орқали ҳам бошқариш мумкин. Анолитик Р. Морганнинг баҳолашича келажакда интернетда интерактив хизматлардан фойдаланувчилар сонининг ўсиши билан Россия Федерациясида 7 млрд еврога ҳаражатлар қисқарар экан.

❖ Бугунги кунда дунёда интерактив хизматларни яратиш технологияларига асосланган ҳолда фаолият юритувчи ўнлаб дастурчилар гуруҳини кўрсатиш мумкин. Масалан: Санкт-Петербург шаҳрида дастурчилар гуруҳи «MENATEP» экстронет магистрални яратди. Экстронет TCP/IP дан фойдаланувчи икки ёки ундан кўп тармоқларни бирлаштириб, фирма ва давлат ташкилотларини ички ахборотларини алмашунуви учун мўлжалланган. Экстронет магистрал интернет тармоғини ресурсларидан фойдаланиб банк тармоғини филиалларига маҳлумотларни оммалашувига хизмат кўрсатувчи магистрални яратади.

❖ 2002 йилдан 2014 йил охирига қадар дунёда интернетдан фойдаланувчилар сони 9,6 баробарга ошиб, 2,4 миллиард кишига етди, мобил алоқа абонентлари сони эса 13,4 баробарга ошиб, 6,7 миллиардни ташкил этди. Интернетдан фойдаланувчиларнинг 44,8 % (1,1 млрд. киши) Осиё, 21,6 % (519 млн. киши) Европа, 11,4 % (274 млн. киши) Шимолий Америка қитъаларига тўғри келади. Жаҳон веб - аудиториясининг 45 %ини 25 ёшгача бўлган шахслар ташкил этади. Мазкур ўсмирларнинг 68 % ҳар куни кимгадир SMS-хабар жўнатади, 51 % ижтимоий тармоқларга киради, 30 % электрон почтадан фойдаланади. Айни вақтда виртуал оламда 600 млн.га яқин интернет сайтлар мавжуд бўлиб, ҳар ойда ўртача 201,4 трлн. видеоролик кўриб чиқилади, ҳар куни 144 млрд. электрон мактуб жўнатилади. Яратиб берилаётган ҳуқуқий кафолатлар ва шарт-шароитлар самараси ўларок, ҳозирги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари қарийб 1200 тага етди. Босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг

сони эса 7 баробарга кўпайди. Мавжуд барча босма нашрлар 60 %, телеканаллар 53 %га яқини, радиоканалларнинг эса 85 % нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳиссасига тўғри келаётгани мамлакатимизда ушбу соҳага бозор механизмлари жадал суръатларда жорий этилаётганининг ёрқин исботидир. Ўзбекистонда кейинги йилларда суньий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугун мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда.

- ❖ Ҳозирги кунда мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 9,8 миллиондан ошди. 16 мингга яқин Uz доменидаги веб - сайтлар фаолият олиб бормоқда. 200 дан ортиқ веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган.

**Index.php**

```
<?php
// $Id: index.php,v 1.94 2007/12/26 08:46:48 dries Exp $
/**
 * @file
 * The PHP page that serves all page requests on a Drupal installation.
 *
 * The routines here dispatch control to the appropriate handler, which then
 * prints the appropriate page.
 *
 * All Drupal code is released under the GNU General Public License.
 * See COPYRIGHT.txt and LICENSE.txt.
 */
require_once './includes/bootstrap.inc';
drupal_bootstrap(DRUPAL_BOOTSTRAP_FULL);
```

```php
$return = menu_execute_active_handler();
// Menu status constants are integers; page content is a string.
if (is_int($return)) {
  switch ($return) {
    case MENU_NOT_FOUND:
      drupal_not_found();
      break;
    case MENU_ACCESS_DENIED:
      drupal_access_denied();
      break;
    case MENU_SITE_OFFLINE:
      drupal_site_offline();
      break;
  }
}
elseif (isset($return)) {
  // Print any value (including an empty string) except NULL or undefined:
  print theme('page', $return);
}
drupal_page_footer();
```

**Cron.php**

```php
<?php
// $Id: cron.php,v 1.36 2006/08/09 07:42:55 dries Exp $

/**
 * @file
 * Handles incoming requests to fire off regularly-scheduled tasks (cron jobs).
 */
include_once './includes/bootstrap.inc';
drupal_bootstrap(DRUPAL_BOOTSTRAP_FULL);
```

drupal_cron_run();

**Page.tpl.php**

```
<!DOCTYPE html PUBLIC "-//W3C//DTD XHTML 1.0 Strict//EN" "http://www.w3.org/TR/xhtml1/DTD/xhtml1-strict.dtd">
<html xmlns="http://www.w3.org/1999/xhtml" lang="<?php print $language->language; ?>" xml:lang="<?php print $language->language; ?>">

<head>
<title><?php print $head_title ?></title>
<meta http-equiv="X-UA-Compatible" content="IE=8" />
<?php print $head ?>
<!--[if lte IE 6]>
<?php if (theme_get_setting('menutype')== '1') { ?>
<script type="text/javascript" src="<?php print $base_path . $directory; ?>/js/suckerfish.js"></script>
<?php } ?>
<link type="text/css" rel="stylesheet" media="all" href="<?php print $base_path . $directory; ?>/css/ie6.css" />
<![endif]-->
<!--[if IE 7]>
<link type="text/css" rel="stylesheet" media="all" href="<?php print $base_path . $directory; ?>/css/ie7.css" />
<![endif]-->
<?php print $styles ?>
<?php print $scripts ?>
<script type="text/javascript"><?php /* Needed to avoid Flash of Unstyle Content in IE */ ?> </script>
</head>
<body class="<?php print $body_classes; ?>">
<div id="skip-nav"><a href="#main">Skip to Content</a></div>
```

```
<div id="top_bg" class="page">
<div class="sizer">
<div id="topex" class="expander0">
<div id="top_left">
<div id="top_right">
<div id="headimg">

<div id="above" class="clearfix">
  <?php if ($above): ?><?php print $above; ?><?php endif; ?>
</div>

<div id="header" class="clearfix">
  <div id="logo">
    <?php if ($logo): ?>
      <a href="<?php print check_url($front_page); ?>" title="<?php print t('Home');
?>">
        <img src="<?php print $logo; ?>" alt="<?php print t('Home'); ?>" />
      </a>
    <?php endif; ?>
  </div> <!-- /logo -->
  <div id="top-elements">
                    <?php if ($search_box): ?>
                      <div id="search-box"><?php print $search_box; ?></div>
                    <?php endif; ?>
  <div id="toplinks"><?php print toplinks() ?></div>
          <?php if ($banner): ?>
            <div class="brclear"></div>
            <div id="banner"><?php print $banner; ?></div>
          <?php endif; ?>
  </div><!-- /top-elements -->
```

```
  <div id="name-and-slogan">
  <?php if ($site_name): ?>
    <h1 id="site-name">
      <a href="<?php print check_url($front_page); ?>" title="<?php print t('Home'); ?>">
        <?php print $site_name; ?>
      </a>
    </h1>
  <?php endif; ?>
  <?php if ($site_slogan): ?>
    <div id="site-slogan">
      <?php print $site_slogan; ?>
    </div>
  <?php endif; ?>
  </div> <!-- /name-and-slogan -->
<div class="brclear"></div>
<?php if ($header): ?>
  <?php print $header; ?>
<?php endif; ?>
<?php if (isset($primary_links)) { ?>
<?php if (theme_get_setting('menutype')== '0'): ?><div class="<?php print menupos() ?>"><?php print theme('links', $primary_links, array('class' =>'links', 'id' => 'navlist')); ?></div><?php endif; ?>
<?php if (theme_get_setting('menutype')== '1'): ?><div id="navlinks" class="<?php print menupos() ?>"><?php print $primary_links_tree; ?></div><?php endif; ?>
<?php } ?>
</div> <!-- /header -->
</div>
</div><!-- /top_right -->
```

```
</div><!-- /top_left -->
</div><!-- /expander0 -->
</div><!-- /sizer -->
</div><!-- /top_bg -->
<div id="body_bg" class="page">
<div class="sizer">
<div class="expander0">
<div id="body_left">
<div id="body_right">
<?php if (isset($secondary_links)) { ?>
  <div class="<?php print menupos() ?>"><?php print theme('links', $secondary_links, array('class' =>'links', 'id' => 'subnavlist')); ?></div>
<?php } ?>
<?php if ($breadcrumb): ?>
  <div id="breadcrumb">
    <?php print $breadcrumb; ?>
  </div>
<?php endif; ?>
<?php if ($user1 or $user2 or $user3 or $user4): ?>
  <div id="section1">
  <table class="sections" cellspacing="0" cellpadding="0">
    <tr>
    <?php if ($user1): ?><td class="section u1"><?php print $user1; ?></td><?php endif; ?>
    <?php if ($user2): ?><td class="section u2 <?php if ($user1): ?>divider<?php endif; ?>"><?php print $user2; ?></td><?php endif; ?>
    <?php if ($user3): ?><td class="section u3 <?php if ($user1 or $user2): ?>divider<?php endif; ?>"><?php print $user3; ?></td><?php endif; ?>
    <?php if ($user4): ?><td class="section u4 <?php if ($user1 or $user2 or $user3): ?>divider<?php endif; ?>"><?php print $user4; ?></td><?php endif; ?>
```

```
    </tr>
  </table>
  </div>  <!-- /section1 -->
<?php endif; ?>
<div id="middlecontainer">
  <div id="wrapper">
    <div class="outer">
      <div class="float-wrap">
        <div class="colmain">
          <div id="main">
            <?php if ($mission) { ?><div id="mission"><?php print $mission ?></div><?php } ?>
            <?php if ($content_top):?><div id="content-top"><?php print $content_top; ?></div><?php endif; ?>
            <h1 class="title"><?php print $title ?></h1>
            <div class="tabs"><?php print $tabs ?></div>
            <?php print $help ?>
            <?php print $messages ?>
            <?php print $content; ?>
            <?php print $feed_icons; ?>
            <?php if ($content_bottom): ?><div id="content-bottom"><?php print $content_bottom; ?></div><?php endif; ?>
          </div>
        </div> <!-- /colmain -->
        <?php if ($left) { ?>
          <div class="colleft">
            <div  id="sidebar-left"><?php print $left ?></div>
          </div>
        <?php } ?>
        <br class="brclear" />
```

```
      </div> <!-- /float-wrap -->
      <?php if ($right) { ?>
        <div class="colright">
          <div id="sidebar-right"><?php print $right ?></div>
        </div>
      <?php } ?>
      <br class="brclear" />
    </div><!-- /outer -->
  </div><!-- /wrapper -->
</div>
<div id="bar"></div>
<?php if ($user5 or $user6 or $user7 or $user8): ?>
  <div id="section2">
  <table class="sections" cellspacing="0" cellpadding="0">
    <tr>
    <?php if ($user5): ?><td class="section u5"><?php print $user5; ?></td><?php
endif; ?>
    <?php if ($user6): ?><td class="section u6 <?php if ($user5): ?>divider<?php
endif; ?>"><?php print $user6; ?></td><?php endif; ?>
    <?php if ($user7): ?><td class="section u7 <?php if ($user5 or $user6):
?>divider<?php endif; ?>"><?php print $user7; ?></td><?php endif; ?>
    <?php if ($user8): ?><td class="section u8 <?php if ($user5 or $user6 or
$user7): ?>divider<?php endif; ?>"><?php print $user8; ?></td><?php endif; ?>
    </tr>
  </table>
  </div>  <!-- /section2 -->
<?php endif; ?>
<?php if (isset($primary_links)) { ?><?php print theme('links', $primary_links,
array('class' =>'links', 'id' => 'navlist2')) ?><?php } ?>
</div><!-- /body_right -->
```

```
</div><!-- /body_left -->
</div><!-- /expander0 -->
</div><!-- /sizer -->
</div><!-- /body_bg -->
<div class="eopage">
<div class="page">
<div class="sizer">
<div class="expander0">
<div id="footer-wrapper" class="clearfix">
  <div id="footer">
    <?php if ($below) { ?><div id="below"><?php print $below; ?></div><?php }
?>
    <div class="legal">
      Copyright &copy; <?php print date('Y') ?> <a href="/"><?php print
$site_name ?></a>. <?php print $footer_message ?>
          </div>
  </div>
</div> <!-- /footer-wrapper -->
<div id="belowme">
</div>
</div><!-- /expander0 -->
</div><!-- /sizer -->
</div><!-- /page -->
</div>
<?php print $closure ?>
</body>
</html>
```